Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 6 июль • Чоршанба • № 51 (14212) تركستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 5 июль куни Генри Маллер бошчилигидаги "Тайм инк" корпорацияси делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонлар ташрифидан мамнуният изҳор этар экан, Ўзбекистон халқи, мамлакатимизнинг бой тарихи, маданияти, бетакрор мероси ҳақида ҳорижий мамлакатларда, жумладан, Америка Қўшма Штатларида қанча кўп билишса, шунча фойдали эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида меҳмонлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, сиёсий ва маданий соҳалардаги ўзгаришлар билан танишиш ниятида эканликларини билдирдилар.

***

5 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Филипп Сидорскийни унинг илтимосига кўра қабул қилди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Элчи Ислом Каримовга Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг муаллифлик дастхати битилган янги китобини тақдим этди.

***

4 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Исроил давлати ташқи ишлар вазири Шимон Пересни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонга Ўзбекистон ҳукуматининг жаҳондаги барча давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсати, шунингдек, республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки самаралари тўғрисида сўзлаб берди. Исроил ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, маданий, илмий-техник ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшажагига умид билдирди.

— Ўзбекистон билан Исроил ўртасида қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахта етиштириш соҳасида қилинаётган биргаликдаги амалий тажрибалар диққатга сазовордир, — деди юртбошимиз. — Жаҳонда пахта экспорти бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринда турган Ўзбекистон учун пахта етиштиришда ҳосилдорликни бизга нисбатан 2-2,5 баробар оширишга эришган исроилликларнинг бу борадаги илғор технологиясини ўрганиш фойдалидир.

Шимон Перес Исроил давлати Президенти Исҳоқ Рабиннинг эзгу тилакларини етказар экан, самимий қабул ва меҳмоннавозлик учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

Суҳбат чоғида келгусида Ўзбекистон билан Исроил ўртасида соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, енгил саноат каби соҳалар бўйича ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, мутахассислар алмашлаш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, халқаро муаммолар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Яқин Шарқда тинчликни барқарорлаштириш жараёни мазкур минтақадаги барча давлатлар ўртасида яқин қўшничилик муносабатларининг тикланишига сабаб бўлажагига ишонч билдирилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов, республика ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов қатнашди.

Учрашувда Исроил давлатининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Израиль Мей-Оми ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ҚАДАМИНГДА ГУЛЛАР ОЧИЛСИН!..

Миллий валюта байроқ, туғро, мадҳия, Конституция каби давлат ва халқ рамзи, мустақилликнинг муқаддас белгисидир.

Ислом КАРИМОВ

ҲАР ИШДА ТАРТИБ БЎЛСИН !

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Куни кеча сизнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида қуйиб-пишиб, оддий халқни ҳимоя қилиб, жумҳуриятимиз истиқболини кўзлаб сўзлаган нутқингизни телевидение орқали эшитиб, халққа, Ватанга фидойилигингизга иймон келтирдик.

Аммо сизнинг қатор йиғилиб ўтирганларга қарата берган саволларингизга улар лом-лим демаганини, сизга ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ сўзлашдан қўрққанини кўриб ҳайрон қолдик. Шошилинч равишда қўлимизга қалам олиб, жонли, ҳаққоний, виждонли сўзлар билан қуйида содир бўлаётган, айниқса, халқимизнинг ҳаётига, яшашига, уларнинг болачақаларининг соғлом бўлиб ўсишига тўсиқ бўлаётган, қонунга, шариатга хилоф ишларни сиздек халқпарвар Президентимизга маълум қилишга жазм этдик. Кейинги мулоқотда иштирок этадиган, сизга ёрдам бериш ўрнига ўз нафсини кўзлаб ишлаётган айрим ғаразгўй мансабдор шахсларга бизнинг виждонимиз азобланиб ёзган ушбу хатимизни ўқиб эшиттириб, уларнинг очиқ фикрини билишингизни илтимос қиламиз. Улар биз ёзган фикрга қандай қарайди? Шунда раҳбарнинг сараги-сарак, пучаги-пучак бўлади. Раҳбарки, тили қисиқ бўлса, ундан халққа бирон манфаат тегмайди, буни тарих, ҳаёт исботлаб турибди.

Республикамизда давлат тасарруфидаги идоралар, ўқув масканлари, тиббиёт, нафақа аҳли маблағ билан фақат ҳукумат томонидан таъминланади. Давлат эса бу ишни солиқ сиёсати орқали амалга оширади. Жойлардаги мансабдор шахслар нечоғли жон куйдириб, солиқ жамғармасини "ҳалол" тўплаётганига қўйидаги мисол орқали сизнинг эътиборингизни жалб қиламиз.

Республикада 600 дан зиёд бозор мавжуд, шундан 140 дан кўпроғи йирик шаҳар бозори. Битта мисол: биз Чорсу бозорида бўлаётган ишларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Бозор гавжум, айниқса, шанба, якшанба кунлари юриб бўлмайди. Бозорда савдо-сотиқ қизғин, деҳқончилик маҳсулотларини сотувчилар энг камида 6-7 минг кишини ташкил этади. Паттачининг ҳар қайси сотувчидан бир челак ёки бир тоғора юки учун 5 минг сўм-купон, ҳатто бошқа бир хил савдо билан шуғулланувчилардан 10-15 минг сўм-купон олиб, патта бермай кетганини кўриб, тавба дея ёқа ушладик. Сиз ўзингиз иқтисодчи, етук мутахассиссиз. Ҳисоблаб кўринг, камида 30-40 миллион сўм-купон даромад тушади. Шу давлат хазинасига тушаётирми? Кимларнинг чўнтагига тушаётир, бу сағир-етимлар ҳақи бир кунмас бир кун тешиб чиқади-ку! Бундай аҳвол давом этаверса, давлат қандай қилиб бойийди? Хўш, бу аҳволда иқтисодий сиёсатни қандай қилиб тўлиқ бажара оламиз?

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Мамлакатимизнинг озиқ-овқат, айниқса, дон маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлаши тўғрисидаги ҳукуматимиз қарорларини сидқидилдан қўллаб-қувватлаб ҳаётга татбиқ этаётган вилоятимиз ғаллакорлари давлатга дон сотиш йиллик режасини муддатидан аввал бажардилар.

Мавжуд 43 минг гектар ғаллазорларнинг ҳар гектаридан қарийб 36 центнердан ҳосил олиниб, 55 минг тонна сара дон давлат омборларига топширилди.

Меҳнат ғалабасига йиллик маррани биринчилардан бўлиб эгаллаган Наманган, Учқўрғон, Уйчи, Чортоқ ва Задарё, шунингдек, Чуст, Поп, Косонсой, Тўрақўрғон, Норин, Янгиқўрғон туманлари муносиб ҳисса қўшди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил Наманган, Учқўрғон ва Норин туманларида 41-43 центнерга етди.

Вилоятдаги кўплаб хўжаликлар давлатга ғалла топшириш режасини ортиғи билан бажарди. Ҳар гектар ердан 45-50 центнердан ҳосил олишга эришган Учқўрғон туманининг "Қайқиобод", "Ўзбекистон", Наманган туманининг "Зарбдор", "Хонобод", Уйчи туманининг Навоий номидаги, "Ғайрат", Чортоқ туманининг "Москва", Косонсой туманининг Худойбердиев номидаги хўжаликлари шулар жумласидандир.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Ғаллакорларимиз экиш, ҳосилни парваришлаш ва йиғиштириб олиш жараёнида сиз ва ҳукуматимиз кўрсатган ғамхўрликларни ҳар қадамда ҳис этиб турдилар. Айниқса, доннинг харид нархини ошириш тўғрисидаги қарорлар қишлоқ меҳнаткашларини янада руҳлантириб юборди. Шу сабабли мавсум уюшқоқлик билан ўтказилди. Бунинг учун вилоятимиз меҳнат аҳли номидан чексиз миннатдорлик билдирамиз.

Биз жонажон мамлакатимиз иқтисодини юксалтириш, қудратини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш мақсадида режадан ортиқ 25 минг тонна дон сотиш ва жами ҳосилни 80 минг тоннага етказишга азму қарор қилдик. Бу режа ҳам қиска фурсатда бажарилади.

Наманган вилояти ҳокими Б. РАПИҒАЛИЕВ.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Наманган вилояти ғаллакорларини меҳнат ғалабаси билан қутлаб, табрик йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда хусусий мулк қилиб сотиш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 28 декабрдаги 988-XII-сон қарорини ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1994 йил 21 январдаги ва "Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида" 1994 йил 15 мартдаги фармонларини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда хусусий мулк қилиб сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда республика шароитида амалда синаб кўрилганлигини ҳисобга олган ҳолда мазкур низомни 1994 йил 1 ноябргача тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси "Ўзистиқболстат" Давлат қўмитаси, қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 1994 йил 1 октябргача республика шаҳарлари, шаҳарчалари ва бошқа аҳоли яшаш жойларидаги ерларни комплекс иқтисодий баҳолашни амалга оширсинлар ҳамда материалларни Вазирлар Маҳкамасига ва Давлат мулки қўмитасига тақдим этсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда ер участкаларининг хусусий мулк қилиб сотилиши муносабати билан Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин.

4. Хусусий мулк қилиб берилмайдиган ерлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари В. А. Чжен зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 4 июль

(Ушбу қарорга иловалар "Халқ сўзи" ва "Ўзбекистон овози" газеталарининг кечаги — 5 июль сонида эълон қилинган).

ОСОЙИШТАЛИК МЕВАЛАРИ БУ!

Марсель Фурье XX асрнинг бошларидаёқ: "Халқларнинг истаги — тинчликни ҳақиқатга айлантиришдир", — деган эди. Бугунги кунда инсоний осойиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлиб қолди. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари безовта, уйлар, гўдаклар уруш олови ичра қолаётган нотинч асримизда Ватанимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли кимнинг дилида ҳавас кўзғамайди, дейсиз.

Ҳа, чақалоғини меҳр билан аллалаётган келинчак осойиши, сўмимиз қадри ошсин дея тер тўкаётган деҳқон риёзати, кечаю кундуз тиним билмай йўловчилар оғирини енгил қилаётган поезд ҳайдовчиси ҳаловати шундаки, уни таъмин этаётган инсонлар бор, юртнинг эгаси бор, шукр!

Вазирлар Маҳкамасида шу йил 25 июнь куни бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов шу Ватанни жон-дилдан севувчи ҳар бир фуқаро олдига аниқ вазифалар қўйди. Ёш болалар олиб сотарлик билан шуғулланса, олчоқлар деҳқон маҳсулотини арзонгаровга олиб, қиммат баҳода сотса, "чаққон"лар ўз манфаати йўлида сувни лойқалатса, бундан ким зиён кўради? Албатта, оддий фуқаро — яратувчилик иши билан банд заҳматкаш кишилар. Шунинг учун ҳам умумхалқ манфаати йўлида Президент атрофида барчамиз бирдек жипслашиб курашишимиз керак! Ҳаёт шуни тақозо этаётир.

Агар сиз ҳозир боғ-роғларга кириб айлансангиз, мевалар шиғил пишганлигига гувоҳ бўласиз. Ҳатто пишган ўриклар шохида қуриётир, ёхуд тагига тушиб чириб ётибди. Хўш, нега? Чунки айрим хонанишин ҳокимларнинг бориб ўша боғларни кўришга, мева-чевани йиғиб-териб олиш ишини ташкил этишга "вақтлари" йўқ. Ахир, бу мева-чева барчамизнинг ризқимиз-ку!

Кўпдан кутилган кунларга ҳам етдик — миллий валютамиз ҳаётга жорий этилди. Ҳали унга қўлнинг кири ургани йўқ, ҳали у манглай тери билан тўйинади. Ва истиқлол ёрлиқларидан бири сифатида асрлар оша яшайди.

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ

Давлат мустақиллигининг асосий белгиларидан бири миллий валютага эга бўлишдир. Ўзбекистон бу борада ҳам ўзига хос йўлни танлади: бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ пул бирлигига босқичма-босқич тарзда ўтаётир. Сўм-купоннинг муомалада бўлиш даври маълум тажриба тўплаш имконини яратади. Айтиш мумкинки, бу модел — Ўзбекистоннинг ўзига хос йўлидир.

Қаранг, нарх-навога монанд тарзда ойлик маошлар ҳам босқичма-босқич ошириб борилди. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг талабаларга кўрсатган доимий ғамхўрлиги эътиборга молик.

Диёримизда миллий валютамиз қанот ёзаётир, одамларга ортиқча ташвиш туғилмаслиги учун июль ойида сўм-купон ҳам сўм билан бирга муомилада бўлади. Шунинг самараси ўлароқ, сотувчи ҳам, харидор ҳам хотиржам. Бу хайрли аломат, албатта.

Сўмимиз кўркам ва файзли. У ватанни севган ҳар бир киши дилида фахр ифтихор уйғотади. Бугун биз миллий валютамизга эга бўлдик. Мамлакатимиз ҳудудида ўз пулимиз ҳукмрон, дёмак, мустақиллигимиз яна бир бор мустаҳкамланади. Ўзбекистоннинг буюк келажаги сари яна бир дадил қадам қўйилди. Биз-ёшлар ана шундай тарихий воқеанинг шоҳиди бўлиб турибмиз ва бу билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Барнохон АСҚАРОВА,
Андижон Давлат университетининг филология-журналистика факультети II-босқич талабаси.

ЧИРОЙЛИ АМАЛ АЛЛОҲГА ҲАМ ЁҚАДИ...



Ҳа, чиройли амал қилган гўзал хулқлилар Аллоҳга ҳам ёқади. Аммо улар "Биз чиройли ишлар қилаяпмиз" деб кўзга ташланишга интилмайдилар, балки ўз зиммасидаги вазифани астойдил, ҳалол ўтайдилар. Пешона терининг ўзи кишини юзага олиб чиқади. Маърифат Тўраева ҳам ана шундайлардан. "Сўмимизнинг қадри зиёда бўлади", дейди у. Бундай дейишига асос бор: у меҳнат қилаётган шойи тўқув фабрикаси ёшлари бири-биридан гўзал маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда, чиройли амал қилишмоқда. Шунинг учун ҳам Шаҳрисабзда барча уларга ҳавас билан қарашади.

САХОВАТ ДАСТУРХОНИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак!" деган оташин даъвати мамлакат ёшларининг йўриғига айланганлиги кишини қувонтиради. Вазирлар Маҳкамасида шу йил 25 июнь куни бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов чин юракдан куюниб айтган сўзлар ҳар биримизнинг дилимизни ларзага солди. Зеро, ҳар биримиз шу юрт, шу халқ ташвиши билан яшашимиз, унинг оғирини енгил қилишга бор имкон даражасида ҳаракат қилишимиз керак. Бугунги кунда, айниқса, миллий валюта муомилага киритилган тарихий дамларда дастурхон тўкин бўлиши учун кураш ҳар қачонгидан муҳимдир, чунки Президентимиз иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки палласиданоқ ҳам таъминланган, кўп болали оилаларга алоҳида ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ҳозир Тошкент шаҳри бозорларида вилоятлар қишлоқ хўжалик ходимларининг савдо ярмаркалари ташкил этилган. Агар "Фарҳод" бозорига йўлингиз тушса, Андижон вилоятидан келган, Чилонзор бекати ёнидаги бозорчада Жиззах вилоятидан қишлоқ хўжалик ходимлари олиб келган маҳсулотлар хийла арзон нархда сотилаётганлигига шоҳид бўласиз. Шунингдек, Тошкентнинг бўлак туманларида ҳам турли вилоятлардан шаҳарликлар дастурхонини безасин деган ниятда келтирилган ноз-неъматларни кўриш мумкин. Бу саъйи ҳаракат халқимизнинг саховатлилигидан далолат эмасми!

Наврўза ЛУТФУЛЛАЕВА,
ўқувчи.

ИНСОФ — ОДАМИЙЛИК МЕЗОНИ

Очиғини айтиш керак, кейинги вақтда бозорларда олувчилардан кўра сотувчилар кўпайиб, тартиб — интизом анча бўшашган, деярли ҳамма нарса қўлда, нархи эса осмонда эди. Энди эса...

Яқинда Вазирлар Маҳкамасида Президентимиз И. Каримов раҳбарлигида бўлиб ўтган йиғинда бозорлардаги мавжуд камчиликлар ҳақида кўп ва хўп гапирилди. Ушбу йиғиндан сўнг бозорлардаги камчилик ва муаммоларни бартараф қилиш борасида кўрилган ва кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Мана масалан бизнинг туманимиздаги бозорлар ҳам тартибга келиб қолди, нарх-наво тушиб, кўчалардаги олиб-сотарларнинг сони кескин камайди.

Ҳозир бозорга тушсангиз, тартиб-интизомни кўриб, ҳар қалай, кўнглингиз кўтарилади. Илгари эса аксинчаийга асабингиз таранглашиб, кайфиятингиз бузилиб қайтардингиз. Халқнинг яшаш шароитини бозор белгилайди. Шундай экан, биз ҳам бозорларимизни файзли ва тўкин қилишимиз, нарх-навони инсоф даражасида белгилашимиз керак. Шундагина юртимиз обод, келажагимиз порлоқ бўлади.

Ортиқ ХОЛЖИГИТОВ,
меҳнат фахрийси,
Самарқанд вилояти Булунғур тумани.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ю. Н. АБДУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Юсуф Неъматович Абдуллаев бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 2 июль.

ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

ЙЎЛЛАНМА БИЛАН ДАМ ОЛИШГА

Бу ерда қизиқарли сафарлар уюштирилади, тунда гулхан ёнида суҳбатлар қурилади, эрта тонгда тоғ дарёсининг муздек сувида чўмилиб лаззат олинади. Кумушкон дарасида жойлашган ҳарбий-спорт лагерида болалар шундай дам олишмоқда. Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги бу лагерни Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитаси шаҳар ички ишлар бошқармаси билан биргаликда ташкил этган. Балоғатга етмаганлар ишлари бўйича назоратда турадиган ўсмирлар ёзни ана шу тариқа завқли ўтказадилар.

Лагерь уч сменада ишлайди. Сменаларнинг ҳар бири 12 кун давом этади. Тадбирлар дастури жуда тиғиз: унда тоғ бўйлаб саёҳатга чиқиш, дискотекалар, танловлар, спорт мусобақалари кўзда тутилган. Бу тадбирлар орасида болаларни келгусида армияда хизмат қилишга тайёрлашга қаратилган жиддий ишлар ҳам бор. Ҳарбий-спорт ўйинлари айни шу мақсадга хизмат қилади. Бу ерда балоғатга етмаганлар билан ишлашда катта тажрибага эга бўлган мутахассислар тарбиячилик қилишмоқда. Уларни танлаб олишда "тарбияси қийин" ўсмирлар билан тил топиб, уларга ички психологик муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериш маҳорати каби фазилатлар ҳисобга олинган. Чунки, бундай болаларни 12 кун ичида тўғри йўлга солиш осон иш эмас. Лагерь беш йилдан буён ишламоқда ва бу вазифа анча муваффақиятли бажарилмоқда. Ҳарбий-спорт лагерида дам олган ҳар уч ўсмирдан биттаси тўғри йўлга ўтмоқда. Бундай болалар ҳисобдан чиқариб юборилади. Уларнинг кўплари ўқишга кирмоқда, ишга жойлашмоқда.

"Тарбияси қийин" болалар ва уларнинг ота-оналари учун лагерга йўлланма текинга тушади. Барча харажатни Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ёшлар Иттифоқи шаҳар қўмитаси ўз зиммасига олган.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

КЎРКАМ ВА ЗАМОНАВИЙ

Тошкентдаги "Малика" трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз маҳсулотлари сифати халқаро андозаларга мос келиши ҳақида сифат шаҳодатномаси олди. Бу — корхонага жаҳон истеъмол бозорига чиқиш имконини беради. Чунки, МДҲ давлатлари билан тузилган иқтисодий битимларга мувофиқ, ҳозир фақат ана шундай шаҳодатнома олган моллар билан ўзаро савдо-сотиқ қилиш мумкин. Шу сабабли, бирлашма ходимлари доимо ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш тўғрисида ўйлашмоқда.

Ишлаб чиқариш буткул ана шу мақсад асосида юритилмоқда. "Малика" дизайнерлари янги моделларни яратиш чоғида жаҳондаги энг яхши моделчиларнинг ишланмаларига эътибор берадилар, бўлажак кийим-кечак кўркам ва

замонавийгина эмас, қулай бўлишини ҳам ҳисобга оладилар. Республикамиздаги ёндош корхоналардан олинаётган хом ашё сифатини назорат қилиш кучайтирилди. Бирлашмада махсус хизмат мустаҳкамланди. Энди у ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг барча андозаларга мос бўлишини пухта назорат қилади.

Машина-ускуналар сифатли бўлсагина рақобатга бардошли маҳсулот чиқариш мумкин. Яқинда Швейцариянинг таниқли "Пассап" фирмасидан электроника билан жиҳозланган бешта дастгоҳ сотиб олинди. Бу дастгоҳларда аҳоли орасида талаб катта бўлган жун-трикотаж тўқилади. Хом ашё эса Қозоғистондан келтирилади. Дастгоҳларни сотиб олиш учун зарур маблағ чиқитларни, яъни бичиш чоғида ортиб қоладиган лахтакларни Испания ва Туркия фирмаларига сотиш орқали тўпланди.

Тошкент трикотажчиларининг тадбиркорлигини уларнинг истеъмолчини танлашидан ҳам билса бўлади.Россия савдо ташкилотлари билан алоқалар мустаҳкамланмоқда. Бу ташкилотлар болаларга аталган кийим-кечаклар ҳамда ички трикотаж сотиб олишдан манфаатдор. Бунга жавобан улар дастгоҳларга эҳтиёт қисмлар ясаб берувчиларни излаб топишда ёрдам беришмоқда.

(ЎзА мухбири).

СУРАТЛАРДА: уч йигит эгнидаги либослар (юқорида) ушбу корхонада тайёрланган; тикув цехининг кўриниши.

Суратчи А. РИСҚИЕВ.



ҲАР ИШДА ТАРТИБ БЎЛСИН!

(Боши 1-бетда).

Бизнинг хатимизнинг ҳаққоний эканини билишни истасангиз, оддий, харажат талаб қилинмайдиган усул бор. Тошкентдаги йирик бозорларга — мол бозорига, "Ипподром"га ишчи, хизматчи ва депутатлардан иборат бир гуруҳ ишончли кишилар эрта тонгдан бориб, улар ҳар бир сотувчига қонуний патта чекини тарқатсалар, бир кунлик тушум қанча бўлгани, қанчаси ҳаромхўрлар чўнтагига тушиб кетаётганини билиб олиш мумкин. Кейин бунга шаҳар, туман бозоркомлари, назорат қилувчи солиқ бошқармаси раҳбарлари очиқ жавоб бериши керак! Бизнинг шу саволимизга очиқ жавоб берсинлар!

Деҳқон пешона тери билан етиштирган маҳсулотни, гўштни бозорга олиб келиб, ўзи хоҳлаган нарҳда сотишни истайди. Аммо бозорларни эгаллаб олган бир тўда юлғичлар уларни қўрқитиб, бизга шу нарҳда сотасан, деб келтирган молини ярим баҳога олиб, икки баравар қимматга сотаётгани учун айниқса, ночор, кўп болали меҳнаткашга жабр бўлмоқда. Буни аниқлаш ва олдини олиш учун, бензин танқислиги борасидаги ўзингиз айтган чора-тадбирни қўллаб, 2-3 кун муддатга хавфсизлик хизмати ходимлари оддий кийиниб, харидор сифатида бозор аҳволи билан киши билмас танишсалар, имкони борича, суратга олиб борсалар, деҳқон қонини сўрувчиларни билиб оладилар. Ана шу далиллар ҳукумат чора кўриши учун асос бўлади. Бу ножўя ишнинг тезкорлик билан олди олинмаса, у халқда норозилик уйғонишига сабаб бўлиши мумкин. Ишончимиз комилки, сиз албатта, бундай ножўя ишнинг олдини олиш чорасини кўрасиз.

Сиз бир гапни тўғри айтдингиз, ҳақиқатан ҳам деҳқон маҳсулотини арзон нарҳда сотмоқчи бўлса-да, юлғич, муттаҳамларнинг биз айтган нарҳда сотасан, бўлмаса кунингни кўрсатаман деган сўзини эшитгач, қиммат сотишга мажбур бўляпти. Бозоркомлар эса деҳқон ёнига кириш ўрнига ўзини четга олади. Бу аҳволнинг олди олинмаса, қимматчилик давом этиб, халқ қийналиб қолади, албатта. Сиз шаҳар ҳокимларига топшириқ берсангиз, бу ножўя ишнинг ҳам олди олинур, дея умид қиламиз.

Олимлар жон куйдириб, ёш авлоднинг келажагини ўйлаб, кўп марта телевидение, радио, матбуотда ёш болаларни пулга ўргатмаслик, сигарет, газ сувларини кўчаларда соттирмаслик ҳақида ташвишланиб гапирмоқда. Аммо ўз фарзанди келажагини ўйламаган кўплаб ота-оналар болаларини шундай йўлга ўтишга ўргатмоқда. Ота-боболаримиз ҳам балоғатга етмаган болаларни шундай йўл билан пул топишга ўргатмаган. Бола пулга ўрганса, ундан келажакда қандай яхшилик кутиш мумкин?

Кўча-кўйларда стол қўйиб, ҳеч қандай ҳужжатсиз, патентсиз сигарет, чет эл молларини сотаётган ёшларни кўриб, ёқа ушлайсан киши. Қани давлат солиқ инспекцияси, қани назоратчилар? Бундан кимлар фойда кўряпти?

Тошкентда неча юз маҳалла бўлса, ҳар маҳаллада 3-4 тадан новвой бор. Ҳаммасининг қўлида патент борми? Унни улар қаердан олади? Илгариги 24 тийинлик оби нонни 1200 сўм-купон, патирни 2500-3000 сўм-купонга сотяптилар. Уларнинг ҳаммасида патентлари бормийўқми? Солиқ инспекторлари нима иш қиляпти?

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Биз уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари сизнинг олиб бораётган ишингизни, айниқса, меҳнаткаш халққа қилаётган оталарча ғамхўрлигингизни, республикани буюк давлатлар қаторидан ўрин олиши йўлида қилаётган тинимсиз меҳнатингизни, ички ва ташқи сиёсатингизни қўллаб-қувватлаймиз. Буни кўролмайдиганлар улуғ Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлсинлар. Сизга яратганнинг ўзи соғ-саломатлик, куч-қувват, сезгирлик ато қилсин. Порахўрларга инсоф берсин. Ўткинчи дунё — маишат, деб юравермасдан Аллоҳдан келадиган муккаррар жазони эсга олсинлар. Халқнинг кўз ёшини тўкиб тўплаган дунёсига, жонига, молига келадиган даҳшатли офатларни эсласинлар. Бизлар бундайларни ҳаётда кўп учратганмиз. Шунинг учун ачиниб ёзмоқдамиз. Аллоҳ уларни ҳам инсофга, диёнатга доҳил этсин, омин. Агар сиз танлаган раҳбарлар сиздек халқ ғами билан ишласалар, бу Турон ўлкаси дунёдаги энг тараққий этган давлатлардан бирига айланишига ҳамма шароит мавжуд.

Бизнинг куч-қувватимиз бор вақтда шундай адолат ҳукм сурганида, албатта, жонимизни фидо қилиб ишлаган бўлур эдик. Афсуски, кексайиб қолдик. Фақат халқ фаровонлигини ошириш учун нима ишлар қилиш кераклигига ақлимиз етади. Ҳаёт бизни онгимизни оширди, кўп нарсани ўргатди, тарбиялади.

Муҳтарам Президентимиз! Биздек кўпни кўрган, турли қийинчиликларни бошидан кечирган, шу азиз Турон ўлкасининг ватанпарвар қариялари ёзган мана шу очиқ, хатни қимматли вақтингизни аямай ўзингиз ўқиб чиқсангиз, хатда ёзилган айрим воқеалардан хабардор бўлиб, навбатдаги мажлисларда шу ишларга масъул бўлган мансабдор шахсларга хатда кўрсатилган ҳақиқат юзасидан савол берсангиз, деб илтимос қиламиз. Чунки уларнинг жавобини эшитиб, нима бўлаётганини, ким ўз вазифасига содиқ, ким содиқ эмас эканини билиб оласиз. Биз телевидение орқали кузатиб бордик. Ўша куни сўзлаган ҳамма раҳбар хатда кўрсатилган фактларга ўхшаш ишлар хусусида гапиришдан ўзини тортди. Еган оғиз уялади, деган гап — ҳақиқат. Улардан кўпларининг тили қисиқ. Уларга нима етмаяпти?

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Яна кўп фикр-мулоҳазаларни ёзишни лозим деб топсакда, хатнинг чўзилиб кетишини ҳисобга олиб, баён қилинган ножўя ишларга барҳам бериш учун тегишли ташкилотлар ёрдамида тезкорлик билан чора кўрилишига ишониб, ушбу хатни мухтасар қилдик.

Биз ҳам ҳаётдан кўп нарсаларни ўрганиб, бошдан оғир кунларни кечирганмиз. Халқ фаровонлигини ошириш борасидаги бизнинг фикр-мулоҳазаларимиз кўп, бирор ишончли вакил келса, биз, кексалар ҳам республиканинг келажак тараққиёти учун баҳоли қудрат фойдали маслаҳатлар беришга тайёрмиз.

Сизга ва бола-чақангизга, сиз билан бирга ҳалол ишлаётган, Турон ўлкасининг гуллашига хизмат қилаётган азамат ўғлонларга яратгандан соғ-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз, омин.

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманидаги "Пахтакор" маҳалласи кексалари номидан: ***УМИДОВ Маҳмуджон, МИРУСМОНОВ Жўра, ОДИЛОВ Миржалол,*** *иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари,* ***МИРЗАЕВ Йўлдош, ХЎЖАЕВ Анвар, БИХЎЖАЕВ Маҳаммаджўра, ҒУЛОМОВ Ҳамид, АЮПОВ Туроб*** *меҳнат фахрийлари.*

"Туркистон" тижорат маркази

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА НАФИС САНЪАТ ЛИЦЕЙИ 1994-95 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАРНИ

9-СИНФГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Лицейда 4 йўналишдаги бўлимлар бор.

Бўлимлар:

— Ўзбек тили ва адабиёти

— Тарих

— Санъатшунослик

— Инглиз тили

Барча йўналишда ўқувчиларга инглиз ва шарқ халқлари тиллари чуқур ўргатилади. Лицейда мутахассислик фанлари бўйича дарсларни малакали мутахассис педагоглар ҳамда олийгоҳнинг тажрибали доцент, фан номзодлари ва докторлари олиб борадилар.

Ўқишга қабул қилинган талабалар тўлиқ давлат таъминотида бўладилар. Иқтидорли ўқувчиларни қабул қилиш тест синовлари ва мутахассислик фанлари бўйича суҳбат асосида ўтказилади.

Қабул имтиҳонлари 10 августдан 20 августгача лицей биносида ўтказилади. Ҳужжатлар 10 августгача қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Ота-онанинг директор номига аризаси.
2. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма.
3. Тиббиёт варақаси (форма-26, Ф-63)
4. 1-8 синфлар табели.
5. 3х4 катталикдаги 6 та фотосурат.

Манзилгоҳимиз: 700135 Тошкент, Чилонзор, метронинг "Чилонзор" бекати, "Ц" квартали

Телефонлар: 76-59-50, 76-59-00

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

1 июлдан электр энергияси учун тўловлар 3 тийин қилиб белгиланди!

Июль ойида фойдаланилган электр-энергия учун янги тариф бўйича ҳақ тўланг.

Электрплитадан (газ плита ўрнида) фойдаланувчи фуқаролар учун янги тариф — 2 тийин

Аввалдан имтиёзи бўлган фуқароларга барча имтиёзлар сақланиб қолинади.

Маънавиятдаги жароҳатлар

ЭНГ НОДИР БОЙЛИК

Ҳар қандай даврда ҳам жамиятнинг эртанги куни бўлган ёшлар, айниқса болалар тарбиясига жиддий эътибор билан қараш, уларни жисмоний ва маънавий камол топишлари учун қайғуриш давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоғи керак. Айниқса, етимесирлар, ўзгалар қарамоғидаги болаларга меҳр-мурувват кўрсатиш, уларнинг бошини силаш, ўксик қалбларига малҳам бўлиш ҳар бир иймон-эътиқодли, инсоф-диёнатли кишининг инсонийлик бурчидир. Чунки, меҳр-оқибат, хайр-саховат каби инсоний фазилатлар қонимизга ота боболаримиздан, авлод-аждодларимиздан ўтган.

Халқимиз тарихида болалар уйлари, етимхоналар бўлмаган, агар бирор гўдакнинг ота-онаси бевақт вафот этиб ёлғиз қолса, уни қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар ўз тарбияларига олганлар, ўз фарзандларидан аъло кўрганлар. Минг афсуски, ҳозир республикамизнинг ҳар бир вилоятида 2-3 тадан етимхона, уларда юзлаб, гўёки ҳеч кимга керак бўлмай қолган норасида гўдаклар мавжуд.

Республикамизда етимхоналар асосан уруш йилларида давр тақозосига кўра пайдо бўла бошлади. Буни тушуниш мумкин. Ўша пайтда ҳам собиқ СССР республикаларидан кўчириб келтирилган болаларнинг аксарият қисмини ўзбек хонадонлари бажонидил ўз тарбияларига олганликлари барчамизга маълум. Лекин, ҳозир замонамиз тинч, ҳаётимиз осойишта-ку?

Бирор бир болалар уйига кирсангиз ҳамиша маҳзун, бошлари эгик, доимо кимнингдир йўлига интизор бўлиб турган болаларга дуч келасиз. Ахир булар эртанги кунимизнинг эгалари эмасми? Улар нигоҳига эътибор бериб қарашга ҳам ботинолмайсан, киши. Гўё кириб келаётган ҳар бир кишидан ўз меҳрибонларини сўраётгандай туюлади. Мунчоқдай қоп-қора кўзларини тикиб турган болакайларга қараган одам ҳам ўзини гуноҳкордай ҳис қилади. Ахир улар ҳам ўз тенгқурлари қатори ота-оналари бағрида ўйнаб-кулгилари, уларга эркалик қилгилари келмайдими?!

Энг ачинарли томони шундаки, болалар уйларида тарбияланаётган болаларнинг аксариятининг ота-оналари тирик. Бироқ, бу болаларнинг бошини бошқалар етим деб силаяпти.

Тўғри, бизнинг давлатимизда ҳеч ким ҳор-зор бўлиб қолмайди. Болалар уйларидаги мавжуд шароитларни кўриб кишининг кўнгли тўлгандай бўлади. У ерда болаларнинг ўйнашлари, овқатланишлари ва дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Лекин, шуни унутмаслик керакки, ҳеч нарсани ота-она меҳрига қиёслаб бўлмайди.

"Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган маъқул", — дейди доно халқимиз. Болалар уйларига топширилаётган болалар сонининг йилдан-йилга камайиш ўрнига ортиб кетаётганлигини кўриб даҳшатга тушасан, киши. Бунинг асосий сабабларидан бири енгил-елпи ҳаётга муккасидан кетган, ўз жигарбанди тақдирига бефарқ қарайдиган, бемеҳр ота-оналарга нисбатан бизнинг қонунчилигимизда қатъий жазонинг белгиланмаганлигида деб ҳисоблайман. Кишига етказилган жисмоний жароҳат тузалиши мумкин, лекин маънавий зарба жабрланувчининг қалбига, руҳиятига бир умр муҳрланиб қолади, унинг жароҳати ҳеч қачон битмайди. Ҳатто, ўша жабрдийданинг ҳаётини, келажагини остин=устун қилиб юбориши, бу эса ўз навбатида жамиятга ҳам катта моддий ёхуд маънавий зарар етказиши мумкин, ахир бу жиноят эмасми? Масаланинг шу томони ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўрадиган вақт келмадимикан?

Кейинги пайтда Президентимиз Ислом Каримов бошлиқ республика ҳукумати томонидан буюк келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёшлар, айниқса болалар тарбиясига жиддий эътибор билан қаралмоқда. Уларни ижтимоий муҳофаза қилишга доир бир қатор фармонлар қабул қилинди. Республикамиз раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари билан ёшларнинг, айниқса болалар уйи тарбияланувчиларининг жисмонан соғлом, ақлан етук бўлиб камол топишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши ҳам ҳукуматимиз томонидан эртанги кунимиз бўлган болаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг бир намунасидир.

Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни тез фурсатларда дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш кўп жиҳатдан барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларга, айниқса илм-фанни изчиллик билан ривожлантириш, уни ҳаётга кенг татбиқ қилинишига боғлиқ.

Гап таълим ва тарбия ҳақида кетар экан, ҳозирги даврда умумтаълим мактабларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Президентимиз Ислом Каримов бошлиқ республика ҳукуматининг олиб бораётган сиёсатини талаба ва ўқувчиларга тушунтириш, уларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ишларининг етарли даражада эмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Натижада ёшларимизнинг кўпчилиги енгил-елпи ҳаёт кечиришга, тижорат ишларига берилиб кетмоқдалар.

Ёшларимизнинг тижорат илмидан бохабар бўлишлари, уларда тадбиркорлик кўникмаларининг вужудга келиши — бу яхши ҳол, албатта. Лекин, мактаб ёшиданоқ дунёвий билимларни пухта эгаллаш ўрнига олди-сотди билан машғул бўлиб юрган, ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган ёшларимизнинг хатти-ҳаракатларини асло ижобий баҳолаб бўлмайди. Менимча, барча ўқув юртларида, таълим ва тарбия муассасаларида миллий истиклол мафкураси ғояларини тарғиб қилувчи, ёшларнинг ғоявий-сиёсий дунёқарашини шакллантирувчи махсус предметлар, ўқув соатларини жорий этиш вақти етди. Чунки, жамиятнинг келажаги, унинг тараққиёти ҳозирги ёшларимизга, уларга берилаётган таълим-тарбиянинг қай даражадалигига боғлиқ. Ақл-заковат имкониятини жадал ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллиги ва гуллаб-яшнашига эришиб бўлмаслигини барчамиз дилдан ҳис қилмоғимиз лозим.

Бир донишманддан дунёдаги энг аччиқ ва энг ширин нарса нима? — деб сўрашганида, у аччиқдан-аччиқ нарса ўлим, ширидан-ширин боладир, — деб жавоб берган экан. Ҳа, ҳаётимизнинг қувончи ҳам, шодлигу ташвишлари ҳам шулар.

Мен истардимки, ўз мустақиллигини тобора мустаҳкамлаб бораётган келажаги буюк республикамизда болалар уйлари деган тушунча умуман бўлмаса, фуқароларимиз ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибат, хайр-саховат каби эзгу туйғулар кўтарилмаса... Чунки халқимиз ўзининг болажонлиги, юксак инсоний хислатларга эгалиги билан маълум ва машҳур бўлиб келган ва шундай бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Бу хайрли, айни пайтда савобли ишларда барчамиз ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилишимиз, миллий қадриятларимизга асосланган холда ёшларимиз онгига юксак инсоний фазилатлар, олижаноб шарқона ахлоқ-одоб қоидаларини сингдиришимиз, болаларимиздан ўз қалб кўримизни, меҳр-мурувватимизни дариғ тутмаслигимиз лозим.

Яхши ният билан қилинган ҳар бир ишнинг самараси қутлуғ бўлиши муқаррар. Бугун болаларга кўрсатилаётган меҳр-мурувват эртага дилларни шод, кўнгилларни нурафшон қилиши шубҳасиздир.

Ҳошимжон ДЎЛМОНОВ,
Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси мафкура бўлимининг мудири.

ЧИҚ СОНГА ХАБАР

Одамларни асраш керак

Андижон таъмир-механика тажриба заводи яқинда оғир аҳволга тушиб қолган эди. Россия Федерацияси, Беларусь, Украина билан иқтисодий алоқалар узилиб қолганидан кейин экскаваторларни тубдан таъмир қилиш кескин камайиб кетган эди. Хом ашёнинг етишмаслиги устига устак бўлди. Бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга киришилмаса, ишчиларни бўшатишга тўғри келадиган вазият пайдо бўлди.

Қисқа муддат ичида тунука қирқадиган қайчи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энди бу маҳсулотга Ўзбекистоннинг ўзидангина эмас, Қозоғистондан ҳам буюртма тушмоқда.

Завод, шунингдек, бошқа маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқара бошлади. Бу — корхонани иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳамда барча ишчини ишда сақлаб қолиш имконини берди.

Фойдаланишга топширилди

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг уч йиллигига қизғин тайёргарлик бошланган ҳозирги кунда Вобкент тумани марказида 120 ўринли шифохона фойдаланишга топширилди. Иншоотни барпо этиш учун 13 миллиард сўм-купон сарфланди.

1 июль куни шифохонанинг ишга туширилишига бағишланган тантанали митинг бўлди. Унда ишларни янада кучайтириш учун маҳаллий бошқарув идоралари масъулият билан ишлаши лозимлиги таъкидланди.

ЎзА

ХАЙРИЯ — ЭЗГУ АМАЛ

Муассаса ёки ташкилоти жойлашган маҳалла фаолиятига яқиндан кўмак бераётган савобталаб ташкилотлар талайгина. Яқинда Тошкент шаҳар божхона хизмати идораси Яккасарой туманидаги "Миробод" маҳаллий бошқарув кўмитаси ҳисобига беш миллион сўм-купон маблағ ўтказди. Бу маблағ ана шу маҳаллаларда истиқомат қилаётган қаровчиси бўлмаган қариялар, эҳтиёжманд оилаларга, турли маросимларни ўтказишга сарфланади.

Маҳаллалар аҳли кўрсатилган мурувват учун пойтахт божхона хизмати идорасидан миннатдор.

(ЎзА).

Қишлоқда иқтисодий ислоҳот қандай бормоқда?

"ИСТИҚБОЛ"ЛИ ХЎЖАЛИК

Республикамиз қишлоқ хўжалигида ердан бошқа барча ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик шакли ўзгартирилмоқда. Президентимиз И. А. Каримовнинг шу йил 18 февралда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқидан сўнг қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга кенг йўл очилди. Ана шу шароитда асосий вазифа: Маҳаллий шароит, ихтисосланиш ва меҳнат ресурсларини ҳисобга олган ҳолда хўжалик ичида ишларни барқарорлаштиришдир.

Ғаллаорол туманидаги "Истиқбол" хўжалиги мева-сабзавотчиликка ихтисослашган. 1993 йил "кўпнинг қаторида, чўпнинг қаторида", деганларидай, бу ерда ҳам мулк шакли ўзгариб, давлат хўжалигидан ширкатга айлантирилди. Лекин пешлавҳани алмаштирган билан дарҳол ишлар ўнгланиб кетавермас экан. Қулай механизм топилмагани сабабли мулкка, меҳнатга муносабат эскилигича қолаверди. Янги ташкил этилган ширкат кенгаши қарорлари ҳам, назорат тафтиш комиссияси фаолияти ҳам ишда кескин бурилиш ясай олмади.

Қаттиққўллик эвазига ғалла, картошка, барча тур сабзавотлар, гўшт, сут каби асосий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва давлатга сотишда бирмунча ижобий натижаларга эришилса-да, кўп имкониятлар бой берилди. Меҳнаткашларнинг меҳнатдан моддий манфаатдорликка асосланган ташаббускорлиги, ижодкорлиги етишмади. Бу усул билан ишни 1994 йили ҳам давом эттириш мумкин эмаслиги ўшандаёқ аён бўлди.

Ана шулардан келиб чиқиб, мазкур йил учун меҳнатни ташкиллаштириш ва унга ҳақ тўлашнинг тубдан янгича усули ишлаб чиқилди. Маъмурий бошқарув тизимидан 40 лавозим қисқартирилиб, атиги 27 та қолдирилди. Ер, боғ, ток майдонлари 12 нафар тадбиркорга ижарага берилди. Ёқилғи-мойлаш материаллари, автогараж, қурилиш каби хизматчи бўлинмалар тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтказилди. Чорвачилик фермаси хусусийлаштирилди. Тадбиркор эндиликда қатъий маош эмас, олинадиган ялпи маҳсулот қийматининг ва фойданинг маълум фоизини меҳнат ҳақи қилиб олади. У маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини, яхшилаш, харажатларни камайтиришдан моддий манфаатдор. Шартнома бажарилиши учун тўлиқ жавобгар. Агар қайси маҳсулот бўйича мажбурият бажарилмаса, ўша соҳа бўйича меҳнат ҳақи жамғармасининг 50 фоизи жарима сифатида ижарага берувчи томонидан ушлаб қолинади.

Наряд тартиботидан бутунлай воз кечдик, — дейди ширкат раиси, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Тошпўлат Ўринбоев. — Энди мулк, яъни ишлаб чиқариш воситалари тўғри келган киши қўлига ёки бир гурухга жамоа мулки қилиб эмас, балки аниқ ишбилармон шахсларга шартнома асосида топширилади. Ишбилармон ўз навбатида ўзига бириктирилган ер, боғ, ток майдонларини бир йиллик шартнома асосида якка тартибда меҳнат қилувчи пудратчиларга бўлиб беради. Пудратчига, яъни елланган меҳнат кишисига ўзига хос моддий манфаатдорлик даражаси белгиланади. Режадаги маҳсулот қийматининг маълум фоизи, режадан ортиқча маҳсулот қийматининг 30 фоизи пудратчининг меҳнат ҳақи жамғармасини ташкил этади. Шартномани бажармаган, технологик жарённи бузганларга нисбатан моддий жавобгарлик шартлари белгиланади. Пудратчи ўз айби билан етказиб бермаган маҳсулот учун бозор нархида жарима тўлайди, келгуси йили яна шу ердан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилади, қайтариб олинган ер яхши ишлаганларга қўшиб берилади.

— Тошпўлат ака, айтаётганларингиз ҳаммаси яхши, зўр, лекин, пудратчи чўл туманларидаги каби "бу йил бир амаллай, янаги йил худо пошшо", деган қайфиятга тушмайдими?

— Йўқ. Ғаллаоролда асосан маҳаллий халқ ишлайди, келиб-кетувчилар йўқ. Раис ҳам, тадбиркор ҳам, пудратчи ҳам бир қишлоқда умр бўйи яшаб келишяпти. Улар нафақат бугунни е бир йилни, балки ўн йиллаб ўтишини ва келажакни назарда тутишга мажбурдирлар. Эртагаям кўзкўзга тушади, деган қайфиятда ишлайди улар. Қолаверса, бизда ер танлаш, уни танлов асосида бериш имкониятларимиз бор. Шундай экан, биз ўз шартларимизни албатта ўтказа оламиз, деб ўйлайман. Президентимиз И. Каримов "Ўзбек деҳқонига тенг келадиган заҳматкаш дунёда топилмайди", деб жуда тўғри таъкидладилар. Ҳақиқатан ҳам бизнинг деҳқонлар жуда кўп меҳнат қилади, унинг самараси ҳам оз эмас, лекин мева-сабзавотчиликда меҳнат самарасини рўёбга чиқаришда бугун ҳал этилиши лозим бўлган оддийгина муаммолар бор.

Масалан, бизнинг деҳқонлар етиштираётган мева-сабзавот ҳосилдорлиги жиҳатидан илғор мамлакатлар кўрсаткичларига тенглаша олади. Ўтган йили ҳам ўртача 300-400 центнердан, айрим турлар бўйича 600—700 центнерлаб ҳосил етиштирилди, лекин деҳқон хўжаликка шу ҳосилнинг бор-йўғи 150-200 центнерини (айрим ҳолларда бундан ҳам кам) топширади ва статистика маълумотларида ана шу рақамларгина қайд этилади. Кейин мажлисларда "нега ҳосилдорлик кам?" деган сўровлар бошланади. Ҳолбуки деҳқон 50-60 фоиз ҳосилни ўзи бозорда сотади ёки тайёрлов идорасига топширади, у ҳеч ерда қайд этилмайди. Бу ҳосил хўжалик ерида деҳқоннинг шахсий меҳнати ва харажатлари эвазига етиштирилади. Агар ер бизники, деб ҳосилни тўла хўжаликка тортиб олмоқчи бўлсангиз, деҳқон келажакда ишлашдан бош тортади. Шу нарсалар ҳисобга олинди, шекилли, энди юқоридан мева-сабзавотга давлат режаси туширилиши тўхтатилди. Бу энди кўп масалаларни биратўла ҳал қилади. Лекин ... лекин ҳозирга қадар тайёрлов идоралари аҳолидан нақд пулга етиштирилган маҳсулотни сотиб оларди. Истаймизми, йўқми, бу маҳсулот орасида давлат ерида етиштирилган нарсалар ҳам бўлади, демак тайёрлов идорасига кетган нарса ҳам хўжалик ҳисоботига кирмайди. Энди шундай қилиш керакки, хўжалик тайёрлов идора ўрнини боса олсин, яъни хўжалик нақд пул эвазига ҳам олди-берди қилиш йўлига ўтказилсин, ўшанда уларнинг иқтисодий аҳволи тезроқ яхшиланар эди.

Кейинги йилларда боғ-токзорлар ҳосилдорлиги камайиб кетмоқда. Бунинг асосий сабаби: моддий манфаатдорликнинг пастлигидир. Мева — узумчиликда қисқа муддатларда қолоқ майдонлардан юқори ҳосил олиш имкониятлари чекланган. Ана шундан келиб чиқиб узум-меванинг ҳосилдорлик даражаси белгиланди. Режадан ортиқ ҳосил етиштиришга, яъни деҳқонни сунъий равишда қизиқтиришга имконият яратилди.

Хўжаликда Президент фермонларини амалга ошириш борасида талай ишлар қилинмоқда. Жумладан, 1993 йили 180 млн. сўмлик капитал қурилиш ишлари амалга оширилди. Мактаб, ҳаммом, кўприк, йўл қурилишлари, суғориладиган ер конструкцияси, 12 км. газ, 12 км. электртармоқлари линиялари шулар жумласидан. 1994 йили 300 хўжалик ичимлик суви билан таъминланади, хонадонларни газлаштириш нихоясига етказилади. "Истиқбол"да ҳар бири 30 бош шартли қорамолга эга бўлган 5 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда, уларга 51 гектар суғориладиган ер, иккита хўжалик молхонаси берилди. Атлас, гилам тўқиш цехлари, маданий-маиший хизмат нуқталари, ошхона, чойхоналар каби қўшимча иш жойлари очиш давом этказилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз олиб бораётган сиёсат кўп қатори "Истиқбол"нинг ҳам келажагига умид билан қараш имконини беради.

Абулқосим МУҲАММАД РАСУЛ.
"ТУРКИСТОН"нинг ўз мухбири.

КЕЛАЖАК СИЗНИКИ

Абдуҳолиқ АЙДАРҚУЛОВ,
Навоий вилояти ҳокими

ЎЗБЕКИСТОН Ёшлар Иттифоқи XXVI қурултойи республикамиз йигит-қизлари ҳаётида катта воқеа бўлганлиги шубҳасиздир. Унинг иши шуни кўрсатдики, ёшларимиз Ўзбекистоннинг муҳим воқеаларидан четда турмасдан, иқтисодиётни қайта қуриш, бозор муносабатларини йўлга қўйиш, республика мустақиллигини мустаҳкамлашга кўмаклашиб келмоқдалар.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов тўғри баҳолаганидек, унинг ишларида кундан кунга аниқ мақсадларга интилиш, илмий билимлар ва дунёқарашларга жавоб берувчи тажрибаларни эгаллашга интилишлар ўсиб бормоқда.

Ҳозир вақт ўзгарди, жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришлар Ёшлар Иттифоқи фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ёшлар Иттифоқи ўз қаторига юз минглаб йигит-қизларни бирлаштирган бўлиб, ёшларни мустақил давлат ҳаётида фаол иштирок этишга чорловчи, уларга йўл кўрсатувчи ташкилотдир. Мустақиллик концепцияси эса, бизнинг мамлакатимизда ёшларнинг фуқаролик ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи бош ғоя.

Тўғри, биргина Ёшлар Иттифоқи бошқа давлат ташкилотлари, ҳокимликлари ёрдамисиз йигит-қизлар масалаларини ҳал қила олмайди. Унинг устига бу ташкилот ёшларнинг ҳамма қисмини кенг қамраб олмасдан, фақат маълум бир қисмини жипслаштиради.

Ўзларингизга маълумки, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди ва шунга асосан вилоятда, барча туман ва шаҳарларда уни амалга оширишнинг чора-тадбирлари белгиланди. Шунингдек, ёш ижодкорларни, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Жойларда ёшлар билан ишлаш кенгашлари тузилган. Бу кенгашларнинг мақсади иқтисодий қийин бир пайтда ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни янги иқтисодий алоқаларни яратишга тайёрлашдан иборатдир.

Буларнинг ҳаммаси ёшлар учун, уларнинг фаолликларини, ташаббускорликларини юксалтириш мақсадида қилинаётган ибратли ишлардир.

Вилоятимиздаги 14 ёшдан 30 гача бўлган 205 мингдан ортиқ йигит-қизнинг 62 минг нафари Ёшлар Иттифоқи аъзосидир. Умуман олганда Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси ўз вазифаларини бажаришга интилаяпти, қийинчиликлар олдида эсанкираб қолаётгани йўқ. Вилоятимиз ҳаётида сезиларли таъсири борлиги ҳис этилаяпти. Аммо, яна ўнлаб муаммолар борки, Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитаси улар устида ишлаши, ташаббуслар кўрсатиши лозим бўлади.

Масалан, вилоятимиз ёшлари бозор муносабатларини тўғри англаб етишлари учун ишлаши лозим. Ёшларимиз савдо-сотиқ дўконига эга бўлмоқдалар, ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланмоқдалар. Лекин яна шу ёшларнинг аксарият кўп қисми олибсотарлик, воситачилик билан шуғулланишаяпти. Улар орасида мактаб ёшдаги ўсмирлар ҳам бор. Ўсмирлар мактабда фанни ўқиш-ўрганиш ўрнига бозорларда кўпчилик вақтини сотувчилик билан ўтказишса, улардан эртанги куни қандай ёш етишиб чиқади? Тўғри, савдо, тижорат ишлари керак, лекин корхона, ишни юргизиш учун етук кадрлар ҳам керак-ку, айниқса, саноати ривожланаётган бизнинг вилоятимизга.

Мана ҳозир баъзи сабабларга кўра қўплаб, энг керакли соҳалар бўйича яхши мутахассислар бошқа жойларга кетмоқда, миграция жараёни рўй бераяпти. Уларнинг ўрнини ким босади? Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтишимиз керак, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари учун мутахассисларни тайёрлаб берувчи Тошкент Давлат техника дорилфунунининг Навоий филиалидаги, Навоий педагогика институтидаги ўқитиш жараёнлари, тўғрисини айтиш керак, берилаётган билим талаб даражасига жавоб бермайди. Унинг устига талабаларнинг ўқишга яхши қатнашмаслиги ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Биз саноати ривожланаётган ҳудудда яшаяпмиз. Айтмоқчи бўлганим саноат корхоналари қошида хоҳлаган турдаги нарсаларни ишлаб чиқариш бўйича кичик корхоналар ёки қўшма корхоналарни ташкил этиш мумкин. Фақат ёшларнинг ташаббуслари керак. Ундан ташқари кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, темирчилик каби халқ ҳунармандчилиги унутилиб бормоқда. Олдинги пайтларда вилоятимиз ҳудудида кетмон, бешик ясаш, заргарлик устахоналари бўлган. Мана шуларни қайта тиклаш лозим. Бу ишларни қайта тиклашда Ёшлар Иттифоқи қўмиталари, улар қошида тузилаётган жамғармалар етакчилик қилса яхши иш бўлар эди.

Ёшларнинг ишбилармонликларини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда улар ижодкорларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Ҳозирги кунга қадар ушбу йўналишда вилоятимизда етарли иш олиб борилмаяпти. Ижодкор ёшларни бир жойга бириктириб, уларнинг кўрик-танловлари, учрашувларини ўтказиб турилса, албатта, улар Ёшлар Иттифоқи атрофига бирлашган бўлар эди. Лекин бугунгача бундай иш бажарилиб борилаётгани йўқ. Бу борада ҳокимликларнинг ҳам камчилиги бор. Биз ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлашимиз керак. Ташаббус билан чиққан ёшларга кўмаклашишимиз лозим. Демак, мана шу ижодкорлар билан иш олиб бориш зарур. Шундай ҳолдагина уларда Ёшлар Иттифоқига ишонч ҳосил бўлади, танкилот теграсига бирлашади, биз яхши ишларни давом эттириш йўлини излашимиз керак.

Талабалар билан ишлашни яхшилашимиз керак. Камчиликлар, муаммолар бор. Тегишли ўқув юртлари бошлиқлари билан ёшларга тегишли масалаларни ечиш чора-тадбирларини белгилашимиз зарур. Бунинг учун уларнинг муаммоларини ўрганиб чиқиш, талаба ёшлар уюшмалари билан яқин алоқада бўлиш, улар ўртасида турли мавзуларда баҳслар, танловлар, учрашувларни уюштириб туриш лозим. Мана шундай бўлгандагина талабалар орасида обрў-эътибор қозониш мумкин.

Ёшлар Иттифоқи мактаблар билан ишламаяпти, деб айтсам янглишмаган бўлар эдим. Ёшларимизнинг кўп қисми мактабларда ўқийдиган ўғил-қизлар. Улар билан ишни жонлантиришимиз зарур. Ёшлар Иттифоқининг ишини кўзга кўрсатадиган жой айнан мана шу ер, яъни мактаблар.

Ўқувчиларни олимпиадалар, кўрик-танловлар, спорт шўъбаларига қатнаштириш орқали фойдали иш билан банд қилиш зарур. Акс ҳолда мактаб ўқувчиларида бўш вақт пайдо бўлади ва натижада улар томонидан турли хил қонунбузарликлар вужудга келади. Бу ҳеч кимга сир эмас. Ўсмирлар орасидаги қонун ва тартиббузарликлар бизнинг энг муҳим муаммоларимизнинг биридир. Унинг олдини олиш чора-тадбирларини кўраяпмиз. Лекин одамларнинг шахсий мулкларини ўғирлаш, одамларга тан жароҳати етказиш, айниқса катта ёшдаги жиноятчилар билан тил бириктириш ва шунингдек гуруҳ бўлиб жиноят содир этиш ҳолларининг кўпайиб бориши бизни ташвишлантирмоқда. Бу борада Ёшлар Иттифоқи, унинг мактаблардаги бошланғич ташкилотлари ўз ишини яхшилаши зарур.

Ёшлар Иттифоқи ташкилотларининг яна бир фаол иш юритадиган йўналиши — бу экология масаласидир. Ўзларингизнинг хабарларингиз бор, вилоятимиздаги экологик вазият жуда оғир. Уни яхшилашнинг чоралари кўрилмоқда. Ёшларимиз ҳам мана шу масалада иш олиб боришса, дарахт кўчатлари экишса, нур устига нур бўлар эди.

Ҳозирги кунда бизнинг вилоятдан чет эл олий ва ўрта ўқув юртларида 41 нафар ёш ўқимоқда, Америка Қўшма Штатларида 4 нафар, Миср Араб Республикасида 3 нафар ёш таълим олаяпти. Бундан ташқари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида 300 дан ортиқ ёшларимиз ўқимоқда. Бу Президентимизнинг ёшларга жиддий эътибор қаратганлигининг далилидир. Шунинг билан бирга вилоятимизда ҳам ёшларимиз ўқишлари, таълим олишлари учун имкон яратиб бераяпмиз. Қизилтепада санъат лицейи, Навоий шаҳрида қурилиш лицейлари очилди.

Энди фақат ёшларимизнинг ўзлари маҳоратларини кўрсатиб, яхши мутахассисликларни эгаллашга ҳаракат қилишлари керак. Биз мустақиллик тўғрисида кўп гапираяпмиз. Республикамиз мустақиллигини ёшларимиз яхши, самарали меҳнати, яхши ўқишлари, ватанпарварликлари билан мустаҳкамлаб боришлари зарур. Келажак сизларники, Ватани ҳимоя қилиш ҳам сизларнинг зиммаларингизга тушаяпти. Мустақил Ватанимизнинг ҳимоячиси бўлиш учун жисмонан соғлом йигитлар кўплаб керак бўлади. Биз ёшларнинг соғлигини мустаҳкамлашга эътиборни қаратиб, турли спорт ўйинлари, мусобақаларни уюштиришимиз, унга имкон борича кўпроқ йигит-қизларни жалб этишимиз зарур. Бу ишларга Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари бош-қош бўлишлари лозим. Биз эса уларга ҳар доим ёрдам бераверамиз.

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

НАВБАҲОРНИНГ КЕЛГУСИ БАҲОРЛАРИ

Умрни оқар дарёга қиёслашади. Дарҳақиқат, жуда тўғри қиёс. Келинг, яхшиси биргаликда бу гапларнинг ҳаётда қанчалик тўғри эканлигини исботлашга бир уриниб кўрайлик.

Одам туғилиб, меҳрибон ота-она кўмагида тарбияланиб вояга етади. Мана шу даврдаги тарбия бола учун ҳам, биз учун ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки унинг онгига сингдирилган ҳар бир тушунча биз катталарнинг эртанги куни қандай кечишини белгилаб беради. Шундай экан, ҳар бир ота-она ўз фарзандини Ватанига, миллатига, халқига хизмат қиладиган садоқатли инсон қилиб етиштириши керак. Эртага улар мустақил ҳаётга қадам қўйганларидан сўнг ҳаёт қийинчиликлари олдида эсанкираб қолишмасин. Балки, бундай шароитларда бошқаларга ҳам ёрдамлаша оладиган бўлишлари керак.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг XXVI қурултойида ҳам бу борада жуда яхши гаплар айтилди. Қурултойнинг "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак" деган шиори биз ёшларни янада билимдон, масъулиятли, зукко ва ҳар томонлама етук бўлишга чорлайди. Ундаги ёшларга нисбатан айтилган доно гапларни қанчалик тез ва тўлалигича ҳаётга тадбиқ этсак, республикамиз ёшларининг бажараётган ишлари шунчалик унумли бўлса керак, деб ўйлайман.

Бизнинг Навбаҳор тумани ёшлари ҳам қурултой ҳужжатларидан руҳланган ҳолда анчагина диққатга сазовор ишларни амалга оширишди. Жумладан, баҳор ойларида шанбаликлар ташкил қилиниб, ариқ-зовурлар тозаланди, мевали ва манзарали кўчатлар ўтказилиб, деҳқонларимиз экин-тикин ишларига яқиндан ёрдам бердилар. Туман меҳнат биржаси томонидан иш сўраб келган ёшларни баҳоли қудрат иш билан таъминлашга ҳаракат қиляпмиз.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, қўшма корхоналар, деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил қиламан деганларга қарз пуллари олишларида яқиндан ёрдам беряпмиз.

Ҳа, навбаҳорлик ёшлар интилувчанлиги, қизиқувчанлиги билан бошқалардан ажралиб туради, десам янглишмаган бўламан. Бунга туманимиз ёшларининг вилоят ва жумҳурият миқёсида ўтказилаётган тадбирлардаги фаолликларини яққол мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Бениҳоят, оловқалб ёшларнинг одамни қувонтираётган ишларини кўриб уларни сўлим Навбаҳорнинг келгуси баҳорлари дегим келади.

Эркин АЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навбаҳор туман қўмитасининг биринчи котиби.

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Ислом КАРИМОВ

Мустақиллиқнинг уч йиллиги олдидан

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИГА МАРҲАМАТ!

Шу йилнинг 29-30 июлида биринчи марта Ёшлар Иттифоқи Навоий вилоят қўмитасининг ташаббуси билан Тўдакўлда Бухоро ва Навоий вилоятлари ёшларининг фестивали бўлиб ўтади.

Фестиваль кундалигидан қизиқарли учрашувлар, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи XXVI қурултойи белгилаб берган вазифалар хусусидаги суҳбатлар, қадим-қадимлардан табаррук ҳисобланган Нуротани зиёрат қилиш, илғор корхоналар, жамоа хўжаликларида меҳнат қилаётган ёшлар билан учрашувлар ўрин олган.

Унда "Камолот-94" кўрик-танловининг ғолиблари, турли бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концерт номерлари, ёш шоир ва ёзувчиларнинг чиқишларидан ҳам баҳраманд бўласиз.

Ёшлар фестивали иккала вилоят ёшлари ҳаётида ҳам ўчмас из қолдиради, деган умиддамиз.

Иқтисодиёт чорраҳаларида:
"АГАМА" ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ЎЗ ТАМҒАСИ БИЛАН

Сўнгги пайтларда "Агама" қўшма корхонаси тез-тез тилга олинадиган бўлиб, унинг истиқболи кўпчиликда умид ва ишонч уйғотмоқда. Аслида Зарафшон шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган қўшма корхонанинг Навоий шаҳридаги филиалини очишга киришилганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган йилнинг май ойларида "Навоиазот" ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда махсус бино таъмирланди. Шундан сўнг Японияннинг "Итогу" фирмаси билан шартнома тузилиб, тўқув-йигирув ва дазмоллаш дастгоҳлари олиб келинди ўрнатилди. Фирма вакиллари ҳатто япон дастгоҳлари билан ишлашни ҳам навоийлик ёшларга ўзлари ўргатишди. Тўғри, ҳозирча корхонанинг тўлиқ қувват билан ишга тушишига бироз вақт бор.

— Менимча, катта ишни бошлашга шошилмаслик керак, — дейди филиал директори Намоз Сафаров. — Ҳар қалай ҳалигача маҳсулотларимизни сотувга чиқарганимиз йўқ. Чунки биринчи галда дастгоҳларни ишлатишни мукаммал ўрганиб олишимиз зарур. Ахир машиналар жуда қиммат. Бунинг устига энг сўнгги маркаларидан. Арзимаган жойи бузилса ҳам иш тўхтади деяверинг. Шунинг учун 20 нафар иш ўрганаётган ёшимизга талаб қаттиқ. Бизда ўрнатилган дастгоҳлар ҳали республикамизнинг бошқа жойларида йўқ ҳисоб. Зарафшон, Тошкент шаҳарларидаги корхоналардаги швейцар дастгоҳлари ҳам бизникичалик мукаммал эмас. Улар ярим фабрикат моллар ишлаб чиқаришса, бизда тайёр моллар ишлаб чиқарилади.

Биз директор билан цехларни айландик. Асосан жемпер тўқишга мослашган дастгоҳларнинг ҳаммаси компьютерлаштирилган. Бир киши бир нечта дастгоҳни бошқариши мумкин. Муҳими, уларнинг дастгоҳлар билан қандай муносабатда бўлишини билишса бўлгани. Қувончлиси шундаки, компьютерлаштирилган дастгоҳлар жемпернинг ёқа, енг қисми, тугма ва тамғасини алоҳида тайёрлашга мослаштирилган.

Японияннинг "Шимо Сики" фирмаси тайёрлаган ушбу дастгоҳлар ҳар қандай вазиятда ҳам айтганни қилавермаслигини уста-технолог Наталья Николаевна Зорина айтганида биз унчалик ишонмагандик. Сабаби, дастгоҳлар компьютерга жойлаштирилган махсус оҳанграбо тасмасига ёзилган дастурдан бошқа бирор ишни бажаришмас экан. Корхонадаги ҳарорат 27 даражадан паст ёки юқори бўлсаям машиналар ишламайди. Уринишингиз беҳуда. Чунки улар шунга мослаштирилган. Бу борада японларга қойил қолиш керак. Чунки иш жараёнида бирор камчилик бўлса ҳам машина ишламасдан огоҳлантирувчи қизил чироғини ёқиб турараверади. Бундай шароитда ё ип узилган бўлади, ёки тўқиш сифатсиз бўлади. Ахир йигирилган ип ҳамиша сифатли чиқавермайди-да.

Ўша куни биз саноқлигина бўлса-да тайёр маҳсулотларни кўрганимизда уларнинг бежиримлиги, миллийлиги, табиий иқлимга мослиги билан диққатимизни тортди. Айниқса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар "Агама" тамғаси билан чиқаётганлиги бизни беҳад қувонтирди.

Исроил ХОЛБОЕВ,
Навоий шаҳри

Саҳифа материалларини Маруса ҲОСИЛОВА тайёрлаган.

Гўзаллик дунёни қутқарсин, биз эса гўзалликни...

Кўчадами, транспортдами ёки бошқа жойдами, бирор келишган қиз ёки йигитни кўрсангиз, беихтиёр хаёлингиздан "Чиройли экан" деган фикр ўтади. Келишган қоматига, бежирим кийимларига ўзингиз билмаган ҳолда разм солгингиз келади. Қаерда тикилганлиги билан қизиқишингиз ҳам табиий. Ҳа, гўзаллик кишининг кўнглини кўтаради, ўзига эргаштиради. Ҳақиқатан ҳам гўзаллик ҳамиша ҳар дилга яқин. Гўзаллик дунёни қутқаради, деган сўзларнинг маъносини гўзалликдан излаган афзал.

Ҳаётда гўзалликка шайдолар жуда кўп. Шулардан бири Навоий шаҳридаги 1-махсус гимназия мактабининг меҳнат муаллимаси Луиза Воҳидовадир. Луиза Миниханов мактабда театр очган ташаббускор аёл. "Шанс" мода театрида қишин-езин, олти йилдан буён гўзал қизларни бежирим кийимлар тикаётганда учратишингиз мумкин. Асли оддий дарс тўгарагидан бошланган бу катта ишга Луиза опа озмунча меҳнат сарфламади дейсизми?

Қўллари мўъжиза яратаётганлигини билган кишининг ўзига ўзи ҳаваси келади дейишади. Луиза Воҳидованинг театридаги қизлари ана шундай қўллари қўшиқ қуйлаётган чеварлардан. Яқинда улар томошабинларга 75 та моделни тикиб, ўзлари намойиш этишди. Бу театрнинг асосий хусусиятларидан бири ҳам ана шунда, қизлар ўзлари тикиб, ўзлари намойиш этишади. Шунинг учун ҳаммасининг иши ҳам, ўзи ҳам гўзал.

Руслана Заграй, Инна Волкер, ҳозир Америкада таҳсил олаётган Тамара Заречнова, Наташа Иванова, Алия Усмонова, Ҳилола Жўраева, Маҳлиё Адизова, Оксана Шкуратко ва бошқаларни ана шулар қаторида санаш мумкин.

СУРАТЛАРДА: "ШАНС" мода театри аъзоларининг айрим фасонлари намойиши акс эттирилган.

ҚОНДОШИМ, ҚАРИНДОШИМ...

ҚИЗИЛҚУМДА ОВУЛИМ

- **ДЎМБИРА ЯНГРАГАН, ГИЛАМ ОСИЛГАН.**
- **МЎЪЖИЗА ЯРАТАЁТГАН ҚИЗЛАР**
- **ҚЎШИҚ КИРГАН УЙГА...**

Қизилқумда бўлганмисиз? Чўлнинг ҳайкаллари ҳисобланган саксовуллар ва қум тепаликларни кўрганмисиз? Балки сиз ўтганда япроқлар шамолдан, саратоннинг офтобларидан куйиб адо бўлгандир? Балки қишнинг қаттиқ қаҳратонларида ҳар бир гиёҳ мудроқ босиб тирикликка алвидо айтгандир? Балки... Аммо меҳнат билан тонг оттирган, меҳнат билан кунлари ботган инсоннинг иродасини табиатнинг ҳар қандай оғир синови, ҳар қандай қийинчилиги бука олмайди.

Шунинг учун бўлса керак, Қизилқум бағрига ҳаёт бағишлаётганларни замонамизнинг қаҳрамонлари дея таърифлашади.

Бу сарҳадсиз чўлнинг йўллари, баҳорлари олис ва узун. Лекин шундай бўлишига қарамасдан томдиликлар "чўл чўл-да", деб қараб туришгани йўқ. Туман ҳокими Марат оға Сулейменовнинг таъкидлашича, мустақиллигимизнинг учинчи баҳорида 200 туп мевали дарахт экилиб, катта боғ яратилди. Бу боғлар ҳадемай гулга киради. Мева беради. Чўллар эса чаман-чаман гулларга бурканиб чиройига-чирой қўшилади. Чаман яратаётганлар яратувчанлик, бунёдкорлик, эл-юрт маъмурчилиги йўлида тер тўкаётганларнинг ҳар қадами матонат ва жасорат эканлигини унутмаслигимиз керак.

Туманнинг Калинин номли жамоа хўжалигида гилам тўқиш цехи фаолият кўрсатаяпти. Унда 15 нафар хотин-қиз рангларнинг сеҳрини гиламларга сингдириб, мўъжизалар яратмоқда. Баҳорнинг гуллари очилган, қалдирғочларнинг қанотлари парвоз айлаган бу гиламлар киши кўзини қувонтиради.

Гиламчилар цехига Зина Абдуқодирова раҳбарлик қилаяпти. Аёлларнинг ишсизликдан қутилганига бир қувонсанг, қўлда тўқилаётган ҳақиқий гўзаллик намунаси ҳисобланган гиламларга қараб ундан-да кўпроқ дилинг яйрайди. Шунда ёшларнинг, аёл қўлларининг тенги йўқлигига яна бир бора тасаннолар айтингиз келади.

Туманнинг бошқа хўжаликларида ҳам ибрат олса арзийдиган ютуқлар кўп. Мисол учун "Оёққудуқ"да жемпер ва пайпоқ тўқийдиган цехлар ҳам ишлаб турибди. Бухоро қоракўз заводининг филиали очилганига ҳам анча бўлди. Томдиликларнинг кичик корхоналар очиш тўғрисидаги ниятлари ҳам қатъий. Бу йўллар, бу хайрли қадамлар энг аввало ишсизлик балосидан қутилишга, кейин эса чўлда фақат сурув ортидан юришдек машаққатли меҳнатга эмас, балки ранг-баранг касб-ҳунарларни эгаллашга, дилдаги орзуларнинг ушалишига имкон яратди.

Вилоятнинг Томди, Учқудуқ, Конимех каби туманларида 84 мингга яқин қозоқ қардошларимиз истиқомат қилишади. Уларнинг аксарият қисми Қизилқум бағрида. Ҳар гал Қизилқумга борганимда мавжуд қийинчиликларни бардош билан енгиб келаётган, нолишни билмайдиган бу мард биродарларга қойил қоламан. Айниқса, қардошлар уйи тўрида осиғлик турган ДЎМБИРАГА қараб ҳавасим келади. Оддий чўпондан тортиб, катта раҳбаргача ҳамма-ҳаммасининг уйи тўрида дўмбира.

Шунда беихтиёр "Қўшиқ кирган уйга, асло қайғу йўламас", деган қўшиқ ёдимга тушади. Улуғвор оҳанглар қулоғим остида жаранглагандай бўлади. Ҳа, қўшиқ кирган уйга асло қайғу йўламас, деганлари рост, дейман. Шундай экан, қўшиқ ҳамроҳ бўлиб дўмбира осилган уйларга ҳам сира қайғу ва алам йўламасин.

Фавқулодда ҳолат

АРАҚ ФОЖИАСИМИ ЁКИ...

Бизда марҳумлар ҳақида ёмон гапириш ҳунук одат ҳисобланади. Гарчи шундай бўлса-да, Навоий шаҳрида содир бўлган катта бахтсизлик ва унинг иштирокчилари тўғрисида гапиришга мажбур бўлдик. Чунки айнан худди ана шу бахтсизлик кўпларга сабоқ бўлиши мумкинлигига шубҳамиз йўқ.

Южная кўчасидаги 10-уйнинг 2-хонадонида яшовчи 48 ёшли тариши Ф.С.никига байрамга деб пиширган пирожнийларидан олиб борган М.Ф. шу куни ҳаёт билан видолашаман, деб сира ўйламаган бўлса керак.

Эски қадрдонларнинг бу галги араҳхўрликлари бундайин даҳшатли фожиа билан тугашини ким ҳам ўйлабди дейсиз? Ўша куни ўн олти киши заҳарланган бўлиб, улардан бири тўғри ўликхонага олиб келинди, чунки уни касалхонага келтиришга ҳожат ҳам қолмаганди. Иккинчи киши эса беморларни қабул қилиш пунктида реанимация бўлимига ётқизишга ҳам улгурмасдан туриб вафот этди.

(Давоми 4-бетда).

WORLD CUP 94

Кутилган, кутилмаган натижалар...

КЕЧИККАН ШИДДАТ

Жаҳон оммавий ахборот воситалари гуруҳлардаги саралаш ўйинлари якунлангач, тахминлардан таҳлиллар ёзишга тушдилар. Ҳали 1/8 финалга кимлар чиқиши номаълум бўлиб турган бир паллада ҳамма ўз ҳолича ҳар хил тахминлар айтди. Кимдир Россияга ишонди, бошкаси (Пеле) Колумбия совринлардан бирини олади, деди. Футбол кутилмаган натижалари, тасодифлари билан ҳам жозибалидир. Бўлмаса, Колумбия ҳам, Россия ҳам етарли очко ололмай дастлабки босқичдаёқ чемпионатдан қайтиб кетишмас эди. Айниқса, Россия терма жамоасининг тақдири бошқа учрашувларга боғлиқ бўлгани сабаб, улар Аргентина — Болгария, Нигерия — Греция ўйини тугагунча "юрак ҳовучлаб" туришди. Агар Россия жамоаси Бразилия ва Швецияга қарши Комерун билан бўлганидек шиддатли ўйин кўрсатганда борми, бу каби "юрак ҳовучлашлар" бўлмаслиги аниқ эди.

ТОМОШАБИНЛАР СИЙРАКРОҚ...МИ?

Аргентина терма жамоасининг Болгария билан учрашуви шуни исботлаб бердики, Марадонасиз қолган аргентиналиклар ўйинининг суръати анча тушиб кетган. Яна бир (ўзимизнинг) тахмин: Марадона АҚШ — 94 футбол чемпионатининг савиясига ўз таъсирини ўтказиб келаётган эди. Қоидага хилоф равишда Нигерия билан бўлган ўйинда допинг қабул қилиб қўйган Марадона ўйинлардан четлатилгач, учрашувлар давомида стадионда бўш ўриндиқлар кўзга ташланиб қолмоқда. Нимчорак финал ўйинларининг аксариятида биз ушбу ҳолни кузатдик.

НИМЧОРАКДАН — ЧОРАКФИНАЛГА

3:2 ҳисоби билан немислар фойдасига ҳал бўлган Олмония—Бельгия учрашуви шиддаткор ҳужумлар билан бошланган бўлсада, (14 дақиқада ҳисоб 2:1 эди) бора-бора ўйин суръати пасайиб қолди. Футболчилар гурух ўйинларида кўрсатган чиройли комбинациялар, алдаб ўтишларни (Испания — Швейцария ўйинида ҳам) намойиш қилишдан эринишарди гўё. Бу балки аввалги ўйинлардан сўнгги чарчоқ ёки ушбу 1/8 финал масъулиятининг ҳаяжони оқибати бўлиши мумкин. Олмонларнинг сафида тўп сураётган Феллер, Клинсманн ҳаракатларида томошабинларга ёқадиган нималардир бор эди.

Испанлар Швейцария дарвозасига учта жавобсиз тўп ўтказиб кейинги босқичга ўтиб олишди.

Юқорида Марадонасиз қолган Аргентина бўш ўйин кўрсатаётгани айтилган эди. Нимчорак финал ўйинида ҳам Аргентина мухлисларни қувонтира олмади. 1986 йили Жаҳон чемпиони, 1990 йилнинг финалчиси бўлмиш Аргентина бу гал 1/8 финалнинг ўзидаёқ кейинги босқичда қатнашишдан маҳрум бўлди. Руминия терма жамоасига 3:2 ҳисоби билан ютказган жанубий америкаликлар ўз юртларига қайтиб кетишди.

Осиё қитъаси шарафини ҳимоя қилаётган Саудия Арабистони терма жамоаси ҳам, афсуски, ўйинларини тамомлади. Афсуски, дедик. Лекин жуда у даражада тушкунликка тушмасак ҳам бўлади. Саудия жамоаси учун жаҳон чемпионатининг 1/8 финал ўйинида қатнашиш катта ютуқ. Аввалги йили Камерун шов-шув сабабчиси бўлган бўлса, бу гал Саудия Арабистони АҚШ — 94 нинг шов-шувчиси дейиш мумкин. Дарвоқе саудияликлар Россия билан бир гуруҳда қатнашган Швеция жамоасига 1:3 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Эсингизда бўлса, гуруҳ ўйинларимизда шведлар россияликларни худди шу ҳисобда енгган эдилар.

Кейинги ўйинларда Бразилия — АҚШ (1:0), Голландия — Ирландия (2:0), Нигерия — Италия, Мексика — Болгария жамоалари учрашишди.

Нодир МАҲМУДОВ,
"Туркистон" мухбири

Бизни таниётган дунё

ОЛИС УФҚЛАР ОРТИДА

Бизда 01, 02, 03 лар бўлганидек, Америкада 911. Нима бўлса шу номерга қўнғироқ қилинади. Яқинда "911" кўрсатувида 6 ёшли қизча адаси уйғонмаётгани учун ёрдам сўраб 911 га телефон қилганини намойиш қилишди. Юрак касаллиги қўзғаган "ада"га тез ёрдам кўрсатилади. Бу билан катта-кичик барча, умид 911 да деб тушунишади, демоқчиман. Сигналга жавоб берган ходим ҳамма нарса жойига тушгунча, ёрдам етиб боргунча алоқани узмайди.

Американинг фахрли жойларидан яна бири "Озодлик статуси" — французларнинг америкаликларга дўстлик совғаси. Шундай баланд бу статусни аввал Франсияда қурилиб кейин Америкага келтирилганига одамнинг ишонгиси келмайди. "Озодлик статуси"га ҳурмат юзасидан яёв чиқиларкан. Зиналар аввал 5 киши, кейин 4, 3, 2, ва ниҳоят бир кишигина чиқа оладиган қилиб, айлана усулида қурилган. Ҳаммамиз жуда чарчасак ҳам машҳур бинога чиқаётганимиздан ғурурланиб 5 соат давомида нолимадик.

Барчамиз чарчаб, группа бошлиғимиз Кэроллдан метрода кетишни сўрадик. У ҳам, унинг ёрдамчиси Жейн ҳам йўқ деяверга, баттар қизиқиб қайсарлик қилдик. Метро деганда, ўзимизнинг Тошкент метросининг гўзаллиги, қулайлиги, хуллас, санъат асарининг бир намунаси кўз олдимга келганди. Аммо бу метро...дим, қоронғу. Группа бошлиғимиз қилиб, ўзимиз тезроқ бу ердан кетишни хоҳлардик. Метро айни жиноят уяси бўлганлиги учун метрода юришимиздан қўрқишган экан. "Бизда жонингдан тўйган бўлсанг метрода юр, деган гап бор", дейишди. Ўзим билан олиб кетган "Тошкент" открткаларидан бири – метронинг "Мустақиллик бекати" сувратини кўриб, "қаср-ку", деб ишонишмади метролигига...

Нью-Йорк фонд (биржа) алмашуви биносида туриб, дунё ишбилармонларини бир-бири билан алоқасини кўриб, мамлакатлараро бизнеснинг нақадар қийинлигини ҳис қиласиз. Дунё келажаги шу кишиларга боғлиқдек кўринади. Шуниси қизиқки, Нью-йоркликларнинг ўзи шу статуслар биноларига чиқиб кўришмаган. Бизни группа бошлиғимиз Кэролл ҳам, ёрдамчиси Жейн ҳам 40 – 50 ёшларда бўлиб, шу ерда туғилиб, яшаётганига қарамай биз туфайли биринчи марта чиқишди!

Америкалик болаларга, айниқса, ўйинчоқ магазинида жуда ҳавасим келган. Уч қаватли, ҳашаматли бино фақат ўйинчоқлар билан савдо қилади. Ўйинчоқларнинг ранг-баранг, турли-туманлигини кўриб, ўзимнинг ҳам бола бўлгим келиб қолди. "Барби" қўғирчоғининг турлари шунақа кўпки! Аммо... қиммат. Ўйинчоқларнинг турли-туманлиги, ҳар бирини ўйнаб кўриш мумкинлигидан бир қизни группамиздан йўқолганини сезмадик. 5 – 6 ўқувчи бўлиниб кетган группаларни бир жойга йиғилиш вақти бўлгандагина билиб, уни қидиришга тушдик. Юрган кўчаларимиздан уни автобусда қидира бошладик. Ва... ўйинчоқ магазини олдида кўзлари қизариб ўтирган ҳолда кўрдик. Полисмэнни киноларда кўргандек "қўрқинчли" тасаввур қилгани учун ундан сўрашга қўрқиб, ҳеч қаёққа кетмай ўтирибди. "Шу магазиндаги барча ўйинчоқни ёддан билволдим, дейди кулиб.

Бир киши, (билишимча Саудия арабистонилик, Америкада яшайди) "Ўзбекистонданман", десам ғалати қараб "Ҳа, Туркистон! Офарин! Навоийни биламан! Офарин!" дедилар. Ўзим Навоийни жуда яхши билмасам ҳам, у киши Ўзбекистонни "танигани", Навоий деб ҳурмат қилгани учун юрагимга илиқлик кирди, Навоийдек бобом борлигидан фахрландим.

Барчага маълум, бизнинг мактабларда Британ – инглиз тили ўргатилади. Британ ва Америка инглиз тили ўртасида анча фарқ бор экан. Тилни америкаликчалик яхши билмаслигим биринчи марта дунёга машҳур "Нью-Йорк янкикари" стадионида билинган эди.

Бизни америкаликларнинг миллий ўйини – бейсболни томоша қилишга олиб боришди. Стадиондаги ўриндиқларда жойлашиб ўтирдик. Бейсболни ҳеч биримиз умуман тушунмаганимиз учун ким ютди, ким ютқазди, билмаймиз. Бизни қатордагилар олқишласа, биз ҳам туриб олқишлаймиз. Олқишлаш ҳам қанақа, "УРРО"деб бақирамиз, ўзимизни устимиздан ўзимиз куламиз.

Нью-Йорк кўчалари серқатновлигидан нотекис. Ҳаммамиз шунга ажабландик, "Америкада йўллар текис" деган гапни барчамиз эшитгандик. "Ана энди билдим – американликлар ҳар йили машина алмаштиришини!"

Тошкент одамлари билан Нью-Йорк одамларини солиштириш қизиқ.

Нью-Йорк кўчаларида юрсак, ўзимиз билмаган одамлар жилмайиб "Салом, қалайсан?" дейди. Биринчи, "Нега бу менга кулаяпти" деб ўзимизни кийимларимизни текшира бошладик. "Мени қаердан таниркан?" деб ўйладим. Кечроқ билсам, бу американликларнинг ҳар кунлик одати экан, таниса-танимаса "Салом, қалайсан?" дейишади жилмайиб. Очиғи, бу ёмон эмас, айниқса, четдан келган бўлсангиз. Атрофингиздаги одамлар муносабатини кўриб, шу мамлакат ва одамлари ҳақида яхши фикр уйғонади. Табийки, мен ҳам шу одатни "илиб" олдим. Биламан, Тошкентга боргандан кейин бу одатдан воз кечишга тўғри келади. Магазинларда сотувчилар: "Салом, Бизнинг магазиндан харид қилганингиз учун раҳмат"ни тез-тез ишлатишади. Ҳамма магазинда эмас, кўпчилигида "Хайр", ўрнига "Қайта келинг"ни ишлатишади. Биринчи марта магазинга дафтар, ручка, олиш учун кирдим, кассир олган нарсаларим нархини электр асбобида "ўқиб", қоғозга барчасини, кун, соатини ёзиб, целлофан сумкага жойлаб берди.

Келганимдан кейин қоғозни ўқиб кулиб юбордим. Йўқ, барча нархлар жойида, аммо охирида... "Бизнинг магазиндан харидингиз учун раҳмат!" Кўп пул ишлатиш жуда тўғри эмас. Келиб туринг!" деган ёзув.

Нью-Йоркда хитойлик. рус, инглиз, ҳинд, араб, ўзбек, эрон, япон, швейцар, афро – американликлар... Кўчада ярим-яланғоч инсонни ҳам, ҳижобда юрган мусулмонларни ҳам, қора танли хабашни, миллий кийимда юрган японни ҳам кўриш мумкин. Аммо барчаси бир томондан ўхшаш – американлик. Ўз дини, маданияти билан бирга Американи ҳам бирдек ҳурмат қилади. Менга ёққани – Америка миллий гимни янграганда ҳурмат юзасидан ўрнидан туриб, ўнг қўлини чап кўкраги устига қўйиб Америка байроғига қараб туради!

Дилфуза ОЛИМЖОНОВА,
Нью-Йорк – Мичиган.
1994 йил, март.

(Охири. Боши ўтган сонда).

Умид ғунчалари

Холмамат ТОҒАЙМУРОД — 1971 йил Сурхондарёнинг Жарқўрғон туманида туғилган. Ёзганларида руҳият иқлимларининг насими эсиб туради.

ВАҚТНИНГ СУВРАТИ

(Қатра)

Доно айтди: "вақт йўқ нарса, унинг боши ва адоғи йўқ, у чексиздир". "Уни табиат қўйнида яшаб кун кечираётган одамларгина қонун сифатида нисбийлаштириб, қуёш, чиқиши, Ой ботиши кеча ва кундузни айланиб келишига қараб белгилаганлар. Танамизни қон билан таъминлаб турган юракнинг "гуп-гуп" уруши, ёхуд нафас олишимизга монанд сония ва дақиқаларни яратганлар. Балки, бир кунни бир соат деб аташ керакдир, ёинки бир кунни юз йил деб...

Баъзан бахтли онлар кўз очиб юмгунча "қазо" қилади. Лекин бир кунда яратилган ижод маҳсули минг йилларга татимоғи мумкин. Ернинг вазнини ўлчаб бўлмаганидек одамнинг ҳам фикр дунёсини қонунлар билан кенгайтириб ёки чеклаб бўлмайди. Инсон тафаккури вақт сингари изчил, бепоён ва чексиздир.

Минг йил турғунликда ухлайсанми, минг йил дунё кезиб югурасанми, барибир, вақт ўз йўриғида кетаверади. У муаллақдир, абадийдир. Бир қарасанг вазминдир, бир қарасанг шамолдай беқарор. Сен нимагадир етишолмай турганингда, бенажот сувга чўкаётганингда кўринади вақт. Севиклинг васлига зор бўлиб турганингда кўринади вақт. Ёшлик ўтиб, мункиллаб, ҳассага таяниб қолгач, ўз ўтмишига назар ташлаган инсон хотирида вақт намоён бўлади. Гоҳида киши танасида дард хуруж қилганда гўё вақт тўхтаб қолгандек туюлаверади.

Барибир, вақтнинг йўқлигига ишонгинг келмайди.

Мулоқот сўнгида доно мўйсафидга юзланаман: Умр савдоси нима? Келиб-кетишдан маъно нима? Бот-бот гуноҳу савобларни кўтариб юрган бош нечун хижолатдан ёрилиб кетмайди? Ҳаёт уммонида қалқиб юрган, нажот кемасининг дарғаси — тақдир бизни кўра-била туриб нечун яна жаҳолату қабоҳатлар сари бошлайди.

...Ютинаман, юрагим муаммолар ўчоғига айланади. Бу гал хаёлга чўмган мўйсафид сукунатни бузгиси келмай шивирлайди: "Ҳаёт — бозор,. яхшилар ҳам, ёмонлар ҳам бисёр. Ундаги нарх-наво инсоннинг қадр-қимматидир. Зеро, инсоннинг кимлигини унинг ўзи белгилайди.

Яна дононинг айтгани шу бўлди: "Вақтнинг йўқлиги шундаки, ҳатто узоқ ўтмиш ёки олис келажакни бир лаҳзада кўз ўнгимизда жонлантиришимиз мумкин".

Узоқ ўй сурдим. Аниқ бир фикрга келолмай, бир лаҳза туриб қолдим. Доно мўйсафиднинг гапида жон бордек. Қанча тиришмайин, Вақтнинг йўқлигига ишонгим келмасди.

Холмамат ТОҒАЙМУРОД.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА

ОПЕРАЦИЯ ДАВОМ ЭТАДИ

Наманганлик аёл томорқасига маккажўхори эккан эди. Маълум бўлишича маккажўхори хўжакўрсинга экилган бўлиб, унинг орасида 500 туп кўкнори етиштирилаётган экан.

Беш боланинг онаси, тиббий ҳамшира ҳуқуқ муҳофизларини кўкнор болалари ва невараларини даволашда фойдаланиш учун экилганига ишонтирмоқчи бўлди.

Вилоят марказида яшовчи М. Ш. уйи яқинида 74 туп нашани "ўз эҳтиёжи учун" етиштираётган экан. Унинг уйидан 3,3 грамм наша топилди. Милиция ходимлари яна бир наманганликнинг уйидан бундан кўпроқ — 1,5 килограмм наша топишди ва мусодара қилишди.

"Корадори — 94" операцияси бошлангандан буён Наманган ички ишлар бўлими ходимлари наркотик моддаларни сақлаш, сотиш билан боғлиқ 35 та жиноий ҳолатни аникладилар. Олти килограммдан ортиқ наркотик моддалар мусодара этилди ва йўқ қилиб ташланди. Операция давом этмоқда.

ЯШИРИН ТОМОРҚАЛАР

Бахмал тўмани милиция ходимлари наркотик моддаларга қарши кураш дастурига доир чора-тадбирларни амалга ошириб, бир куннинг ўзида ўн уч хонадонда етиштирилаётган наша ва кўкнорини йўқ қилиб ташлашди. Яширинча банг етиштираётган одамлар якдиллик билан фақат ўзимиз учун экканмиз, деб ишонтиришга уриндилар. Таркибида наркотик моддалар бўлган экинларни етиштириш билан шуғулланган кишилар қонунни бузганликлари учун жавобгарликка тортилади.

(ЎзА мухбири).

КЕЛГУСИ СОНДА:

- **Сулаймон ота ҳангомалари**
- **"Трамвай-до"**

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

УЧ КИЛОМЕТРНИ 22 ДАҚИҚАДА

• ИСПАНИЯДА яшовчи 35 ёшли Хосе Гонсалес исмли киши уч километрни 22 дақиқада босиб ўтди. Шу ҳам натижа бўлдими, бошқалар ундан ҳам тез югуради, деб айтарсиз. Гап шундаки, Гонсалес бу масофани югуриб эмас, балки умбалоқ ошиб босиб ўтди. У мунтазам машқ қилиб 42 километрлик масофани ҳам умбалоқ ошиб ўтмоқчи.

ҚАДИМИЙ ЎЙИН

• ШВЕЦАРИЯДА эркакларнинг энг севимли машғулотларидан бири "Унспуннен" деб номланган мусобақа туридир. Спортнинг ўзига хос тури деб ҳисобланган бу мусобақада иштирок этаётган одам оғирлиги 23,5 килограмм бўлган тошни энг узоқ масофага отиши керак. Мабодо битта-яримта полвон уч метрли чизиқни забт этса, бу ютуқ ҳисобланади. 1981 йилда тошни 3,61 метрга улоқтирган Жозеф Коюттеленинг рекордини ҳозирча ҳеч ким ортда қолдиргани йўқ.

"Унспуннен" 1805 йилда пайдо бўлган эди ва ўшандан бери унинг қоидаси ўзгармай келаётир. Мусобақа ташкилотчилари бундан 189 йил муқаддам катта тошни танлаб, унга махсус ишлов беришган. Ягона нусхада бўлган бу тошдан тантанали кунларда фойдаланишган. Лекин 1984 йилга келиб, номаълум сабабларга кўра тош ўғирлаб кетилган. "Унспуннен" ташкилотчилари шакли ва оғирлиги илгариги тошга ўхшаган тошни қайта танлашларига тўғри келган. Мусобақанинг доимий қатнашчилари тош кимга керак бўлиб қолганлигига ҳайронлар. Улар ўзларича қаллоблар "анъанамизни ўғирлашмоқчи бўлишган", деб ҳисоблашмоқда. Лекин анъана йўқолмади. "Унспуннен" Швецарияда худди бир ярим аср илгаригидек ҳозир ҳам кенг оммалашган.

4 СОАТЛИК МАШҚ

• ШВЕЙЦАРИЯЛИК 39 ёшли Рольф Герп оёқ-қўлларини ерга тираб ётганча, қўл тиззаларини букиб ва тўғрилаб 10195 марта машқ бажарди. Бунга тўрт соат вақт кетди.

Дарвоқе, у ҳар соатда беш дақиқадан дам олди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Рольф аввалги рекордини янгилашга муваффақ бўлди, яъни собиқ рекордчидан 166 марта кўп машқ бажарди.

УММОН ТЎЛҚИНИ УЗРА

• АВСТРАЛИЯНИНГ уммон қирғоғида яшовчи ахолисини кучли сув тўлқини узра тахтада "юриш" билан ажаблантириш қийин. Чунки, бу ерликларнинг 7 ёшидан 70 ёшигача ушбу ўйинни яхши билишади. Лекин сиднейлик Рон Эгс барчани ҳайратда қолдирди. У оёғини осмонга қилиб қўллари билан турганча кучли тўлқинлар узра бемалол сузди.

БИР КЕЧА-КУНДУЗДА

• 36 ЁШЛИ француз спортчиси Жон Буссике Англиянинг Блэкберн шаҳри четида тез юриш юзасидан рекорд ўрнатди. У марафон усулида бир кеча-кундузда 264 километр масофани босиб ўтди. У бу юришни шанба куни кундузи бошлаб туни билан юрди ва якшанба куни эрталаб тугатди.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР·ХАБАРЛАР·ҲОДИСАЛАР

УЧУВЧИ ОМОН ҚОЛДИ

Руминия армияси матбуот бюросининг хабар беришича, Кимпия Турзий ҳарбий аэродромида "МИГ-21"самолёти ҳалокатга учраган.

Учувчи самолёт осмонга кўтарилганидан кейин моторлардан биттаси ишламаётганини сезиб қолган ва парашют ёрдамида 50 метр баландликдан ўзини ерга ташлаган.

Унинг фикрича, самолётнинг қушлар билан тўқнашуви ҳалокатга сабаб бўлган. Шунга қарамай, миллий мудофаа вазири тайинлаган махсус комиссия ҳалокат сабабларини ўрганмоқда.

ҲАРБИЙЛАР ГАРОВДА

Либерия қўзғолончилари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатдаги 6 нафар ҳарбий кузатувчисини гаров сифатида қўлга олди. Халқаро ҳамжамиятнинг Ғарбий Африкадаги вакили Фред Экартнинг баёнот беришича, гаровга олинганлар орасида Миср ва Иордания зобитлари бор. Дехли ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, Либерия Бирлашган Озодлик Ҳаракати аъзолари гаровга олинганларни шаҳар марказидан 50 километр олисда жойлашган Тубманбург шаҳрида ушлаб турибдилар.

Баъзи маълумотларга кўра, қўзғолончилар уларни катта миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларига алмаштиришга рози бўлган.



АФҒОНИСТОН. Мозори-Шариф кўчаларида.

АРАҚ ФОЖИАСИМИ ЁКИ...

(Боши 3-бетда).

Ҳаммасидан ажабланарлиси шундаки, заҳарланганлар орасида ёш болалар — 5,6,7 ёшли Олег, Женя ва Павликлар ҳам бўлган. Тиббиёт ходимларининг ҳозиржавоб муолажалари, жонбозликлари туфайли уч боланинг ҳаёти сақлаб қолинди. Қўшни келиб "тез ёрдам"га қўнғироқ килмаганда, балки қолганларнинг ҳаётини ҳам сақлаб қолишнинг имкони бўлмасди.

Бу фожиа қурбонлари кимлар, улар нега айнан бир жойда ичиб шу аҳволга тушганлиги, аракдан бўлса болалар нега заҳарланганлиги сабаблари кўпчиликни қизиқтириши табиий. Улар орасида ўн етти ёшли қиздан бошлаб нафақахўру хизматчи, иккинчи гуруҳ ногиронию ҳеч қаерда ишламайдиганлар, ҳатто ибодатхона коровули ҳам борлиги ажабланарли, албатта. Ҳақиқатан, мазкур хонадонда турли касб эгаларининг бу "байрам"лари нега фожиа билан тугади?

Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида вилоят санитария эпидемиология станциясининг бош шифокори Неъмат Зариповга мурожаат қилдик.

— Ўша куни 16 киши хитой арагидан заҳарланганлиги рост, — дейди Неъмат ака Зарипов. — Икки киши ўша воқеа жойида ўлган. Қолганларини касалхонага олиб келишди. Етти кишининг ҳаёти сақлаб қолинди. Афсуски, 9 киши ҳаёт билан видолашишига тўғри келди. Экспертиза хулосаларидан арак таркибида заҳарли моддалар — метанол, фуфурол, алдегиддлар борлиги аён бўлди.

Зудлик билан Тошкентдан республика Соғлиқни сақлаш вазирлигидан ёрдам сўрадик. Ёрдамга бош токсиколог О. Юсупов етиб келиб, зарур ёрдамларини кўрсатди.

Болаларга келсак, уларнинг бири бувисининг ёнида бўлган, қолган иккови эса деразадан улоқтирилган бўш арак идишларига сув солиб ичганлиги оқибатида ўлим билан олишган.

Масаланинг яна бир муҳим томони бор, — бу ҳам бўлса, шаҳарда кўпдан буён фаолият кўрсатиб келаётган мазкур хонадон "фоҳишахона"нинг худонинг ғазабига учраганидир балки. Ҳатто милиция ҳисобида тураркан. Бунинг чорасини кўриш учун наҳотки шундай катта фожиани кутиш зарур бўлган бўлса, деган саволга ҳозир жуда кўпчилик жавоб кутяпти.

Арак масаласига келсак, ҳақиқатан ҳам у ўзимизнинг шаҳардан харид қилинган. Лекин кимдан сотиб олинганлигини аниқлаб бўлмади. Сабаби оддий. Шаҳримизда савдодаги тартибсизликлар оқибати дейиш мумкин. Негаки, агар дўконларнинг тартиб рақами аниқ бўлиб, маҳсулотлар аниқ жойда сотилганда эди, аракнинг (ажалнинг) кимдан олинганлигини топиш бунчалик чўзилмасмиди, бунчалик қийин кечмасди.

Кейин савдода сертификатсиз араклар ҳам учраб туради. Масалан, сертификатсиз араклар билан марказий универмагнинг омбори тўлиб кетганлигини куни кеча солиқ инспекциясидагилар хабар қилишганди.

Тўғри, бизда нафақат сертификатсиз, балки умуман сифатсизлиги кўриниб турган нарсаларни сотилаётганлиги эртага ҳар биримизнинг ҳаётимизга ҳавф солиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Ҳатто кечки ғира-ширада аллақандай машиналарда гўшт сотаётганларни кўриб, ҳеч ким шубҳаланмайди, суриштирмайди ҳам.

Чет элларда назорат шу қадар кучли эканки, ҳатто эрталаб сўйилган мол гўшти белгиланган вақтда сотилмаса, кейин сотишга руҳсат берилмас, фақат консервалаш цехларига топширилар-каркан.

Бу "эркинлик"ларни тартибга солиш вақти етиб келмадимикин?

Ҳаётимиздаги ҳар битта кўнгилсизлик, ҳар битта бахтсизлик учун ҳар биримизнинг бепарволигимиз, лоқайдлигимиз сабаб бўлаётганлигини ҳам тан олиш керак. Ана шу лоқайдлик соғлом турмуш тарзимизга путур етказаётганлигига бу "заҳарланиш"дан ортиқ мисол излаш шарт эмасдир, деб ўйлайман.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Туркистон"нинг Навоий вилояти бўйича ўз мухбири

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон • TURKISTAN

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар – 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими – 32-57-93; ижодкор ёшлар – 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик – 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш – 32-53-98; тижорат – 32-58-48; қабулхона – 32-56-58.

МАНЗИЛИМИ�з:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 2-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012. Буюртма Г — 996 42428 нусҳада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6.